



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy




@Jadid_uz

ЭЪТИРОФ

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юксак эътиборга лойиқ.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, хотин-қизлар жамиятимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, уларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни ҳар томонлама мустақамланмоқда.



Ҳар томонлама мустақамланмоқда. Ўтаётган ҳафтада Президентимиз томонидан аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мустақамлаш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрнани кўрсатган хотин-қизларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш борасида имзоланган фармон ва қарорлар алоҳида таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишга оид Фармони жамиятда

тенглик ва адолатни таъминлашга хизмат қилади. Мазкур муҳим ҳужжат аёлларга ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўришни назарда тутди. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари таъминланган жамиятда барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш таъминланади.

Ушбу Фармон орқали жамиятимизда барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш йўлида муҳим қадам ташланмоқда. Айниқса, эрта никоҳнинг олдини олиш, ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлари учун масъулиятини ошириш, молдавий мустақилликка эришган ва оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлган ёшлар ўртасида никоҳ тузишни рағбат-

(Давоми 3-саҳифада) ➔

ВАТАН МАНЗУМАСИ



Ҳосият БОБОМУРОДОВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН ЯҒОНАДИР

Дерлар, ширин сўзнинг гадолари кўп,
Ёниб турган кўзнинг адолари кўп,
Юртлар бор, ҳаттоки худолари кўп,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

Кездимки, дунёнинг йўллари узун,
Фаҳми ноқисларнинг қўллари узун,
Аммо барчасининг кўрари, кўзи,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

Кимдир дўстларини сотиши мумкин,
Кимдир ўзига ўқ отиши мумкин,
Ўқ ўтмас қалъанинг борлиги ҳам чин,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

Ватан деб Ватандан кетганлар айтсин,
Соғинч ёқасидан тутганлар айтсин,
Пушаймонлик захрин ютганлар айтсин,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

Нега учган қушлар қайтади бот-бот,
Қозигини излаб келар учқур от,
Дунёда бор бўлсин меҳр, оқибат,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

Менинг Темури бобом, Соҳибқироним,
Асрларни енгиб олган бўроним,
Қонидан қўшилган бир қатра қоним,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

Ер юзин қаратган кўркем Самарқанд,
Қирқ йил шоҳи бўлган Улугбекдек мард,
Кўксимдаги қувонч, кўксимдаги дард,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.


Биров бор, боласин ташлаб кетади,
Биров бор, онасин ташлаб кетади,
Аммо Ватан ташлаб кетмас ҳеч қачон,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

Нега томиримга сиғмай борар қон,
Эрларнинг жони ўн, меники қирқ жон,
Бер деса, барини қиламан қурбон,
Ватан яғонадир, Ватан биттадир.

(Давоми 4-саҳифада) ➔

БАДИҲА

Сиз буюксиз, АЁЛЛАР!



Аслида, сиз фақат ҳар йили кўклам билан баробар, кўкламдай беҳато келадиган байрамнингиз арафасидагина эмас, балки ҳар куни, ҳар соат, ҳар лаҳза мадҳу саного, эъзозу икромга, гулу лолага, меҳру сийловга, муҳаббат урдоққа лойиқсиз, муносибсиз. Биз эса билибми-билмайми, хоҳлабми-хоҳламайми, баъзан сизнинг даҳлсиз дилингизнинг нозик ойналарига дарз етказиб, озор бериб қўямиз. Шунга ўзимизда куч толганимизни қаранг-а... Аслида, сиз...

Аслида, биргина беқиёс оналик меҳрингиз олдида таъзим қилмасликнинг иложи йўқ. Ота ўз фарзанди бешиги устида, лоақал, вазият тақозосига кўра, бир кеча, атиги бир кеча бедор ўтириб чиқа оладими?..

(Давоми 5-саҳифада) ➔

ФАКТ

✓ 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича устувор вазибаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

✓ “10 март – Халқаро аёл судьялар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони имзоланди.

✓ Вазирлар Маҳкамаси қарори билан дунёнинг “Топ-300” талиқдаги университетларига ўқишга кирганларга 20 минг долларгача таълим кредити берилди.

✓ Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, январь ойида республикада жами 22 минг 99 донга енгил автомобиль ишлаб чиқарилган.

2026 ЙИЛ - МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

ЗАМОНАМИЗ АЯЖОНЛАРИ

Тошкент шаҳри “Янгиобод” МФЙ раиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси Манзура ВАЛИЕВА билан суҳбат

– Сиз каби юзи нурли, ҳаёти ибратли, нуроний фаслда ҳам фаолиятдан тўхтамаган, умрини эл-юрт хизматига бағишлаган инсонларни кўрсам, беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг “Аяжонларим” пьесаси ёдимга тушади. Ўзбек онаси қайси даврда яшамасин, болажонлиги, фидойилиги, меҳнат-севарлиги ўзгармас экан-да. Айтинг-чи, бугунги дорилмон кунларда миллат аёлининг қиёфаси қандай бўлиши керак?

– Қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов “Ўзбек бўлиш осон эмасдир”, деб ёзган. Ўзбек қизи, аёли, онаси бўлиш янада қийин. Аввало, бу миллат хотин-қизлари тарихдан шу кунгача ифпати, одоби, шарм-ҳаёси, тарбияси билан алоҳида ажралиб туради. Бундан кейин ҳам шу фазилатларини сақлаб қолишни хоҳлайман.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

ЗАМОНДОШ

ШУКУР БУРҲОН БАШОРАТИ

Ўзбекистон халқ артисти Малика ИБРОҲИМОВАга мактуб

Ассалому алайкум, Малика! Яхшимсиз?
Ушбу мактубни ёзишимга “Шаддод она” спектакли ва унда Сиз ижро этган шаддод она – Анна Фирлинг образи сабаб бўлди.

Миллий театримизда ушбу спектакль кўйилганини, бош ролни Сиз ўйнаётганингизни ва спектакль қизиқиш билан томоша қилинаётганини эшитганимга анча бўлди. Ва уни кўриш иштиёқи пайдо бўлганда менда. Яширмайман, театрга тушмаганимга хийла вақт бўлганда. Аммо, ҳа деганда, бора олмадим. Боиси – спектакль кам кўйилар экан, боз устига, менинг эринчоқлигим (вақтим йўқ эди, десам, ёлғон бўлади).

Хуллас, январь ойининг ўрталарида “Шаддод она”ни кўришга қасд қилдим. Суриштирдим,

28 январь куни кўйилар экан. Уша кундан бошлаб, театрга боришга, жаҳон драматургияси ва театр санъатидаги мумтоз асарлардан ҳисобланган “Шаддод она” спектаклини кўришга ўзимни руҳан тайёрлай бошладим. Бош ролни Сиз ижро этаётганингиз менинг томошабин, театр санъатининг мухлиси сифатидаги масъулиятимни янада оширди. Сабаби – Сиз тўғри келган асарда роль ижро этавермаслигингизни, Сизга муайян роль таклиф қилинганда асарнинг муаллифи кимлигига, қайси мавзуда эканига, партнёрларингиз кимлар бўлишига жиддий эътибор беришингизни яхши биламан. Режиссёр-ку, алоҳида масала Сиз учун.

Ниҳоят, 28 январь тонги олди. Чошгоҳга бориб қор ёға бошлади.

(Давоми 5-саҳифада) ➔



ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

ЖАҲОЛАТ

“ҲИДОЯТ” ЛИБОСИДАГИ

Инсон илм билан бугун фазога чиқди, агар жаҳолат тўқинлик қилмаганда эди, барча халқ ва миллатлар тараққий этиб, Ер қурраимиз нурга бурканар эди. Минглаб йиллардан бери боқий обидалар қуриш, фаровон турмушга эришиш, илғор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ахборотни бошқариш, узоқни яқин қилиш, самога эгалик қилишдан тортиб, бошқа жабҳаларда ҳам устунликка эришиш учун одам болалари ўзаро рақобатда. Бу ҳолат фақат ҳарбий ёки иқтисодий соҳалар билан чекланмайди. Қалом, сиёсат, руҳият, жамиятшунослик сингари соҳаларда ҳам қатъий намоён бўлади.

Айрим ҳолларда бу кураш яширин ё ошкор тарзда, мафкуравий босим ёки диний-радикал ғоялар таҳдиди шаклида юз кўрсатади. “Агар биз белгиланган йўриққа амал қилмасанг, давлат ичидаги радикал ёки мухолиф кучларни қўллаб-қувватлаймиз”, деган ишоралар ҳам ётади гоҳо бу ҳаракат замирида.

(Давоми 3-саҳифада) ➔





ЗАМОНАМИЗ АЯЖОНЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Онам айтди: "Аёл киши мисоли бир оқ мато бўлади, доғ тушиши осон". Шунинг учун ҳам аёллик мартабаси юқори қўйлади.

Аёл — оилада биринчи тарбиячи. Ҳикматларда шундай ёзилади: "Ахлоқсиз отанинг фарзанди ҳусни хулқи бўлиши мумкин, аммо феъли бузуқ аёлнинг авлоди яхши тарбия топмайди". Қаранг, аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни қанчалик муҳим ва юксак! Шунинг учун ҳам ёшлар билан бўладиган учрашувларда қизларимизга ибтоҳнинг аҳамиятини бот-бот такрорлайман. Қизнинг юриш-туриши ҳақидаги хулоса, аввало, ота-онасига тегишли бўлади. Шу боис, маҳаллада ёшлар ҳақида гап кетса, ўзининг исми эмас, "Фалончининг қизи", "Фалончининг невараси" деб айтади. Ёш авлодни тарбиялашда бувижонларимиз тажрибаси — ҳаёт мактаби, дегани. Ана шу мактаб дарсларига қанда қилмай қатнашган, имтиҳонларидан "беш" баҳо олган қиз шахсий ҳаётида ҳам, ўқиш ва иш жараёнида ҳам қўқилмайди, ютуққа эришса ҳаволанмайди, тўсиққа учраса, енгиб ўтишга куч топади ўзида.

Аёл маърифатли бўлиши билан бирга, тadbирли ҳам бўлиши зарур. Хоҳ уй бекаси бўлсин, хоҳ лавозимда ишласин, аёллигича қолсин. Уйда ўтирибман деб, ўзини қўйиб юбормасин: тил ўргансин, ҳунар ўргансин, соғлиғига, ташқи кўринишига қарасин. Ишлайдиган қизларимиз ҳам пул топсам бўлди деб, уй-рўзгорни ўз ҳолига ташлаб қўймасин. Хонадоннинг саришталлиги, болалар тарбияси, эрнинг кўнглига қараш — булар аёл манглайига битилган масъулият. Ана шуларни тенг олиб кета олгани учун ҳам Ҳазрати Аёл деб улуғланади.

Эрақлар ҳам рафиқасига эътиборли бўлсин, фақат уй-рўзгорнинг кам-қўстига қарамай, аёлнинг ҳам истакларига эътибор берсин, кўнглини олсин, чиройли бўлиб юришига, ўзини парвариш қилишига пул ажратсин.

Мана, баҳор байрамлар фасли. Биз номини мақомларини баланд тутадиган тоғларимиз бўлган йигитлар, эрақлар оиласидаги нозик хилқат вакилларига эътиборли бўлсин. Совға деганда фақат қимматбаҳо матоҳларни тушуниш керакмас. Бир даста гул, икки оғиз ширин сўз аёл учун дунё молдан ортқ.

— Бугун хотин-қизларимиз кириб бормаган соҳа деярли қолмади. Барча жабҳада фаолмиз. Аммо оила ва иш ўртасидаги мувозанатни ушлаш даими ҳам осон бўлмайди. Сиз фаолиятингиз давомида бу масалага қандай қарагансиз?

— Мувозанат ушлашнинг энг яхши йўли эътибор ва вақтни тўғри тақсимлаш, яъни интизомли бўлиш керак. Иш ёки ўқишни янги бошлаганлар пала-партиш ҳаёт кечиради-да, кейин бунақа юриш менга эмас экан деб, тайёр жойини ташлаб кетади. Бизнинг момоларимиз ҳам давлат ишида, ҳам оилада баравар жон куйдирган, ундан ортиб илм, санъат, адабиёт билан шуғулланган. Биз нега эпелолмас эканмиз? Фақат сабр, тартиб ва фидойилик керак.

Мен ишимни яхши кўраман. Бъёзида болаларим: "Онажон, маҳаллангизни биздан ҳам яхши кўрасиз", деб ҳазиллашиб қолади. Чунки фарзандларимни уйли-жойли қилиб, набираларни оёққа қўйгандан бери кўп вақтнинг ишда ўтати. Авваллари тескариси бўларди, имкон қадар ишларимни вақтидан



олдин бажариб, уйга шошардим. Маҳаллада ҳар куни бир муҳим тadbир ё масала чиқади. Кимдир тўй бошлаган, кимниқадидир аза. Бировни бахт билан табриқлаймиз, бировнинг дардига шерик бўламиз, эҳтиёмандларга ёрдам йўлини ахтарамиз. Ҳар бир оила ўз дарди билан андармон бўлса, маҳалла раиси ҳудудидаги барча оилага парвона бўлади. Тўйга бормаслигим мумкин, лекин оғир кунларда, албатта, маҳалладошларимнинг ёнида тураман.

"Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла ахли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила — оилга, қўшни — қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айна шу руҳда тарбиялашимиз керак".

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Замонавий раҳбарга кеккайиш хос эмас. Мен оддийликни, самимийликни, камтар инсонларни яхши кўраман. Ҳаёт йўлларимда қийинчиликларга учрасам ҳам, кўнглим бўшлиғи учун учрадим, ютуқларга эришсам ҳам, шу ҳислатим учун эришдим. Маҳаллада раисман деб юрган билан иш битириб бўлмайди. Одамларга ёши, феъл-атворига қараб муомала қилиш керак. Руҳшунос бўлиб кетасиз йиллар давомида. Кимни болам деб, кимни укам деб, кимни опам деб, жоним қизим, султон болам деб, яхши йўлга бошлайман, ёмон йўлдан қайтаришга ҳаракат қиламан.

Болажонлар "Бувижон" деб келишади. Жужуқлар учун тортмамга ширинлик, қурут-туршак солиб қўяман, бирам хурсанд бўлишадими.

— Болажонларда ҳақиқий меҳрнинг нозик ҳис қилиш бор.

— Ҳақиқатда шундай. Болага ёлгон гапириб бўлмайди. Меҳр берсангиз, меҳр олсангиз. Кўпичинча бир хилгилар хафа бўлса, айтаман-да, меҳр беринлар. Умуман, меҳр ҳаммага керак. Одамлар ўзини кўрс, совуқ, такаббур кўрсатиши мумкин. Аммо ич-ичидан меҳр-эътибор кутади. Айна шу нарсалар йўқлиги учун ҳам феъли айниди. Доим айтаман: ёмонликка ҳам яхшилик қайтаринг, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилман.

Лекин ҳаётда ҳар хил инсон учраган экан. Ишда шунақа одамларга дуч келсангиз, сиз аёлмисиз, ёши улғумисиз,

қараб ўтирмайди. Муомаласидан илон пўст ташлади. Шунақа пайтда тилимга шундай сўзлар келадики... Яна ўзимни босаман. Маданиятни, касбий этикани кўлдан бермасликка тиришаман. Яна қайтараман: аёл аёллигича қилиши керак. Аста-секин ўшалар ҳам ўзини босиб олади.

Дунё шундоқ ҳам нотинч. Катта ёвузликлар кичикларидан ҳосил бўлади. Шунинг учун яхшилик уруғини экавериш керак. Унинг меваларини авлодларимиз тотди.

— Янгибод маҳалласи номига муносиб маскан экан. Янги ва обод кўчалар, бинолар...

— ...Ва янгича дунёқарашли одамлар, обод кўнглилар. Биласизми, маҳалламизнинг ўн йил олдинги ҳолати билан бугунини солиштирсак, ер билан осмонча фарқ бор. Маҳалла идораси эски бир иморат эди, ҳашар йўли билан таъмирлаб одам қирадиган жой қилгандик. Кейин Президентимизнинг маҳалла тизимига қаратган эътибори натижасида минглаб маҳалла идоралари каби чиройли реконструкция қилиб берилди. Мана, миллий айвон қуриб беришди. Шунақа шароитда ишламай бўладими?

Фаровонлик калити тadbиркорликда экан. Биз, аввало, яшаш шароити оғир оилаларга эътибор бердик. Даромад йўқ оилада келишмовчилик кўпаяди, толгандаям барака бўлмайди.

Бир оилани айтиб берай. Эр жазони ўташ муассасасида бир неча йил ўтириб, озоликка чиқди. Аёлнинг оқиллиги сабабли, оила бузилиб кетмади, аксинча, эр-хотин тadbиркорлик бошлади. Аввал қандолат маҳсулотлари чиқаришди, кейин нон маҳсулотлари. Энди мўъжаз ошхона ҳам очди. Машина олди. Қаранг, маҳалланинг қўллаб-қувватлови, тadbиркорликка яратиб берилган имконият жар ёқасига келиб қолган оилани обод қилиб юборди. Одамнинг ўзида ҳаракат бўлса, нималар қилмайди, дейсиз. Уларнинг қувончидан мен ҳам қувонаман. Ҳалиги келиннинг: "Опа, боланинг бўтқасига ҳам пулим йўқ", деб ёрдам сўраган пайтлари бўлган. Энди келиб: "Онажон, муҳтож аёллар бўлса айтинг. Ёрдам бераман, рўзгорига ҳам, ҳунар ўрганишига ҳам", дейди. Ҳаяжонланмай бўладими?!

Президентимиз жасорат билан юртимизда камбағаллик кўрсаткичларини тан олди, ҳақиқатга тик қаради. Шундан сўнг, тизимли равишда камбағалликни қисқартириш бўйича ислохот бошланди. Бу ўз натижасини бермоқда.

— Бугундан кўнгли хотиржам одам келажак ҳақида бемалол ҳаёл суради. Ҳаёл нима экан, аниқ режа ва мақсадлар қўяди олди.

Истиқболдаги режаларингиз қандай?

— Ростини айтганда, истиқболимиз учун давлатнинг ўзи қатор дастур ва чора-тадбирларни пухталик ва синчковлик билан тadbир бермоқда. Бизга уларни намунали ижро қилиш қўяпти, холос. Эътиборлиси, ташаббус ва таклифлар учун ҳам эркин муҳит яратилди.

Қаранг, ҳар битта маҳаллага Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кирилади, дейляпти. Бунақа ишонч ва қатъият сизга ҳам куч беради-да. Демак, жамият яна ҳам ривожланади, халқнинг яшаш шароити янада яхшиланади. Бу ерда маҳалла раисининг алоҳида ўрни бор, у бошқаларга нисбатан кўпроқ меҳнат қилиши, кўпроқ изланиши, халқ билан ишлаши керак. Шу халқнинг дарди билан яшасангиз, ҳалол, масъулиятли, самимий бўлсангиз, ўшандагина халқ билан тил топишасиз.

Давлат халққа қўлни чўзса, халқ унга юрагини очади. Биз халқнинг юрагига кириб боришимиз керак. Баъзан одамлар ота-онасига айтмаган дардини келиб бизга айтади. Унга ечим топишимиз, ёрдам беришимиз керак.

— Маҳалланинг ютуқ ва камчиликларига тўхталиб ўтсангиз.

— Шунча шароитга қарамасдан, айрим инсонлар ва оилаларнинг лоқайд ва бепарволиги, фарзандлар тарбиясига эътиборсизлиги мени қийнайди. Ахир, сенинг келажинг ўша фарзандинг-ку! Лоқайдлик — энг ёмон, энг катта муаммо, камчилик, деб биламан.

Ютуқларимизга келсак, фахр билан айта оламан, олдинги йилларда ҳам, жорий йилда ҳам бизда жиноятчилик бўлмади, ажрим бўлмади. Бунинг тағида қанчалик меҳнат ёганини ўзим биламан. Маҳалла еттичилиги, жамоатчилик, нурунийларимизнинг жуда катта ўрни бор бу ерда. Нурунийларга ҳар доим миннатдорлик билдираман.

— Манзура ая, Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида дил изҳорларингизни газетамиз орқали юртдошларимизга етказишингиз мумкин.

— Азиз аёллар, ҳамisha суякли бўлинг. Бугун Ўзбекистон аёллари дунёга чияпти: спорт дейсизми, илм-фан дейсизми, ишлаб чиқаришни, юртдошларимиз пешқадам. Билсангиз, Президентимиз хорижий меҳмонларни кўтиб олганда, фахрий қоровул саф тортади. Шу сафда барно қизларимизни кўриб, беихтиёр қувониб кетаман: "Яшанг, Тўмарис қизларим!" деб қўяман.

Барча байрам ва кўлловлар сабаби — Ватан озолиги ва тинчлигидир. Юртимиз озолиги ва тараққиёти бардавом бўлсин!

Маҳалларимиз ободлигига кўз тегмасин! Ҳар бир оилада тинчлик, хотиржамлик бўлишини, фарзандларни ота-оналар бағрида катта бўлишини, ёшларимиз юртга керакли баркамол инсонлар бўлиб етишишларини, улар билан фахрланиб юришимизни истайман.

Мана шундай шароитларни бизга яратиб, имкониятларни қилиб берган муҳтарам Президентимиз омон бўлсин. Биз бугун бутунлай бошқа ҳаётда, Янги Ўзбекистонда яшаш шарафига мушарраф бўлдик. Юртдошларимизни шу ҳаётнинг қадрига етиб, шукрона билан яшашга чақираман.

— Катта раҳмат, аяжон. Эл-юрт хизматидан чарчаманг!

Суҳбатдош:
Зарнигор ИБРОҶИМОВА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги қарори билан ўз иқтидориди, муҳим ғоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга урнат бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, юртимиз равнақи йўлида бор куч-ғайратини аямаётган бир гуруҳ қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Уларни юксак мукофот билан муборакбод этамиз.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар:

Сатниязова Индира Қанияз қизи — Қорақалпоқ давлат университети 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Эримбатова Дилноза Нурулла қизи — Қорақалпоқ давлат университети 2-босқич магистранти (Қорақалпоғистон Республикаси)

Умурзоқова Мохларой Мухторжон қизи — Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Абдуқаҳорова Муслимаҳон Мирзабахром қизи — Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Эргашова Мехринисо Ҳусниддин қизи — Бухоро давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Файзуллаева Вазира Хамидовна — Бухоро давлат тиббиёт институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Турсунова Висола Бехзодовна — Жиззах давлат педагогика университети 2-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Жўрабоева Мўҳсина Ориф қизи — Ўзбекистон Миллий университети табиий география кафедраси кабинет мудири (Жиззах вилояти)

Муродова Маржона Шухрат қизи — Божхона институтининг халқаро ҳамкорлик бўлими инспектори (Қашқадарё вилояти)

Амирова Латофат Баҳром қизи — Эркин ижодкор, шоира (Қашқадарё вилояти)

Қудратова Машхура Фазлиддин қизи — Навоий шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

Ҳайдарова Лазиза Набижон қизи — Навоий давлат университетининг 2-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Эргашова Хушнозаой Тохиржон қизи — М.Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақо ансамбли балет артисти (Наманган вилояти)

Исмоилова Гулшаной Шухрат қизи — Ўзбекистон Миллий университети 1-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Мамедова Амалия Парвизовна — Самарқанд шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Тоҳирова Моҳигул Умир қизи — Самарқанд давлат университетининг амалий психология кафедраси ассистенти (Самарқанд вилояти)

Мингбоева Зулҳаё Улуғбек қизи — Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

Махмудова Олимаҳон Юсуфжон қизи — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Сирдарё вилояти бўлими созандаси (Сирдарё вилояти)

Иброгимова Нодира Журабековна — Тошкент шаҳридаги "Shkola 21" нодавлат таълим муассасаси лойиҳа раҳбари (Сурхондарё вилояти)

Шокирова Гулҳайё Ўктам қизи — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 1-босқич магистранти (Сурхондарё вилояти)

Уралова Гулҳаё Баҳодир қизи — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти 2-босқич таянч докторанти (Тошкент вилояти)

Холмухамедова Паризод Жасурбек қизи — Юқори Чирчиқ туманидаги 24-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бадиий каштачилик ўқитувчиси (Тошкент вилояти)

Жўрабоева Дилафрузхон Сардоржон қизи — Халқаро фрилансерлик платформалари фрилансери (Фарғона вилояти)

Собирова Дилафрузхон Салоҳиддин қизи — Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Фарғона вилояти)

Қуронбоева Мохинур Одилбек қизи — Урганч давлат тиббиёт институтининг катта ўқитувчиси (Хоразм вилояти)

Дўсметова Шаҳзода Дўсмет қизи — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Хоразм вилояти бўлими мақом хонандаси (Хоразм вилояти)

Саранцева Анастасия Олеговна — Мирзо Улуғбек туманидаги 208-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Мавлонова Севинч Санжар қизи — "Янги Ўзбекистон" университетининг 2-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

ҲАМКОРЛИК

Янги тараққиёт босқичига қадам қўйган Ўзбекистон учун олий таълимни чуқур ислоҳ қилиш, уни халқаро майдонга интеграциялаш ҳамда таълим дипломатиясини ташқи сиёсатнинг устувор йўналишига айлантириш стратегик аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Рим шаҳрида ўтказилган Италия ва Ўзбекистон ўртасида инновациялар ҳамда академик ҳамкорлик: бугунги ҳолат ва келажак истиқболлари мавзусидаги II форум ана шу сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди. Форум Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган "Йўл харитаси" асосида ташкил этилди. Бу жиҳат аниқма оддий академик учрашув эмас, балки давлатлараро келишувларни амалиётга татбиқ

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

этувчи муҳим дипломатик механизм эканини кўрсатади. Форумда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Кўнгиртўб Шарилов, Ўзбекистоннинг етакчи олийгоҳлари ректорлари, Италия университетлари ва тadbиротлар вазирлиги Анна Мария Бернини ҳамда Рома Тре университети ва бошқа нуфузли олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган Турин политехника университети ҳамда Пиза университети филиаллари Ўзбекистон-Италия таълим ҳамкорлигининг ёрқин намунасига айланган. Сўнгги икки йилда юздан

ортиқ профессор-ўқитувчиларнинг Италияда малака оширигани, юзлаб талабаларнинг италия тилини ўрганаётгани ва қўшма илмий тadbиротлар олиб бораётгани академик алмашувнинг реал натижасидир.

Форум доирасида Тренто университети билан қайта тикланувчи энергия ва экологик барқарорлик соҳасидаги музокаралар, Марангони институти билан мода ва дизайн йўналишидаги ҳамкорлик масалаларининг муҳокама қилиниши таълим дипломатиясининг иқтисодий ва инновацион самарадорлик билан уйғунлашганлигини кўрсатади. Бу жараён Ўзбекистоннинг "ашилл" иқтисодиётга ўтиш ва креатив саноатни ривож-

лантириш стратегияси билан ҳамохандир.

Ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар йўналишида тахсил олаётган талаба сифатида ушбу нуфузли форумда иштирок этиш мен учун катта тажриба бўлди. Айна пайтда, талабаларнинг ана шундай йирик халқаро платформаларда қатнашиши олий таълим тизимида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганини аниқлатади. Бу — ёшлар салоҳиятига билдирилатган ишонч, уларни глобал жараёнларга жалб этиш ва келажак дипломатиясининг пойдеворини бугундан мустаҳкамлаш, демакдир.

Рим форуми Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги стратегик ҳамкорлигини янада чуқурлаш-



тиради, илмий интеграция ва инновацион шерикликни мустаҳкамлайди. Энг муҳими, у Янги Ўзбекистоннинг очиқ, замонавий ва рақобатдош таълим моделини халқаро майдонда намоён этувчи муҳим қадам сифатида тарихда қолади.

Феруза РАҲМАТОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси



ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Фармонга кўра, ҳомиладор талаба-қизларга ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи талабаларга олий таълим олиши учун "иккинчи имконият" яратиш мақсадида, 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб курсдан қолган ёхуд талабалар сафидан чиқарилган шахсларга, истисно тариқасида, фанлар фарқини қайта ўзлаштириш шарт билан таълимни давом эттириш имкони берилмоқда. Бундай имконият мустақил Ўзбекистон тарихида ҳеч қачон яратилмаган.

Ўзбекистон Президентининг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда аёлларга бўлган эҳтиром ва эъзозни янада мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрнини ошириш мақсадида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Фармон, аввало, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган. Аёллар жамиятнинг барқарорлиги, ривожланиши ва фаровонлиги учун муҳим роль ўйнайди. Хотин-қизларни рағбатлантириш орқали уларнинг фаоллигини кучайтириш ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини ошириш мумкин.

Мукофотланган юртдошларимиз ўзларининг самарали меҳнати, бой билими, ҳаётий тажрибаси билан ёшларга ибрат ва намуна бўлади. Хотин-қизларни рағбатлантириш уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириб, мамлакатимиз тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарори ўзининг ижодий, илмий, ижтимоий

фаоллиги билан ёшларга намуна бўлиб келатган қизларни рағбатлантиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, қизларимизнинг ўз иқтидорларини тўла-тўқис намоён этиши, янги гоёлар билан чиқиши ва жамиятнинг ижобий ўзгаришларидаги иштирокини кучайтиришга хизмат қилади.

Мана шундай юксак эътибор самараси ўларок, кейинги тўққиз йилда мамлакатимизда хотин-қизларнинг турли соҳалардаги иштироки сезиларли даражада ошди. 2017 йилда бошқарувда хотин-қизлар сони 20 фоизни ташкил этган бўлса, бу рақам ҳозирги кунда 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар орасида аёллар улуши 38 фоизни, Сенат аъзолари орасида эса 27 фоизни ташкил этмоқда.

Тўмарис издошларининг спортдаги муваффақиятлари ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Олимпия ва Паралимпия ўйинларида аёл спортчиларимиз 3 та олтин, 8 та кумуш, 3 та бронза, жами 14 та медални кўлга киритгани, маданият ва санъат соҳасидаги халқаро танловларда 25 нафар аёлнинг ғалабаси, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда эса 71 нафар истеъдодли хотин-қизларнинг муваффақияти уларнинг ижодий салоҳияти юқори эканини намоён этади.

Давлатимиз томонидан аёллар учун зарур шароитларни яратиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ижтимоий давлат таъминоти назарда тутилган. Конституцияда ҳам тўла акс этган. 2025 йилда ногиронлиги бўлган 162 миң нафар аёлга тиббий, боқувчисини йўқотган 130 миң нафар хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилди. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақса-



дида 230 та туғуруқ муассасаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Саратон касаллигига қарши курашиш учун аёлларни скрининг текширувларидан ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Маълумки, қизларнинг сифатли таълим олиши бутун оила ва жамиятга наф келтиради. Билимли оила – маърифатли жамиятнинг асосидир. Бугунги кунда талабаларнинг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу гоёнинг амалий натижаси ҳисоб-

ланади. Аини пайтда, илмий фаолият билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда улар юртимиздаги жами илмий ишланмаларнинг 25 фоизини яратиш, бу борада ҳам ўз ўрнини мустаҳкамламоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш фақатгина аёлларга эмас, балки бутун жамиятга манфаат келтиради. Замонавий таълим ва касб-хунарларни эгаллаш, чет тилларини ўрганиш, олий маълумотга эга бў-

лиш бугунги кунда ҳар бир қизнинг ҳуқуқи ва имконияти ҳисобланади.

2025 йили 250 миң нафар қиз олий таълимга қабул қилиниши, бу рақам 2017 йилга нисбатан 3,5 қарра кўп экани – бу жараёндаги ижобий ўзгаришларнинг яққол исботидир.

Шунингдек, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун ҳам 250 миң нафар аёлга имконият яратилади. "Ёрқин келажак" лойиҳаси доирасида камида 200 нафар қиз дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилиши келажак авлоднинг билимли ва рақобатдош бўлиши учун муҳим қадамдир.

Келтирилган факт ва рақамларни балки осонгина санаш мумкиндир, ammo ҳар бир рақам ортида катта сиёсий ирода, машаққат ва интилиш ётибди. Тан олиб айтиш керакки, аёлларнинг ташвиш ва машаққати ҳам, зиммасидаги масъулияти ҳам эркакларга нисбатан анча юқори. Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ҳақиқатан ҳам қаҳрамондир. Шу маънода, Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиш бериш доимо давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверди.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганидек, аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш – эркаклар учун шавъ ва гурур масаласидир.

Келгусида қонунчиликни янада такомиллаштириш, хотин-қизлар учун барча соҳаларда кенг имкониятлар яратиш, уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда оила институтини мустаҳкамлаш йўлидаги ишлар изчил, тизимли ва босқичма-босқич давом эттирилади. Зеро, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган давлат ва жамиятнинг келажиги ёруғ, тараққиёти бардавом бўлади.

Жамолиддин БАДАЛОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Негаки, бундай хатти-ҳаракат оқибатида нефть, газ ва сув каби стратегик ресурслар устидан назоратни кўлга киритиш, шу билан бирга, иқтисодий манфаатларни таъминлаш, ўзга халқлар устидан ҳукмронлик қилишга эришиш мумкин. Қолаверса, радикал кучларни назорат остида ушлаган томон уларни зарур пайтда ўзига рақиб бўлган давлатларга қарши ишлатиши ёки муайян ҳарбий-сиёсий стратегияларда қўллаши мумкин. Бунинг яққол мисоли аскар Яқин Шарқ мамлакатларида содир бўлаётган воқеаларда ҳам кўринади.

Жаҳонда бирор давлат йўқки, зўравон экстремизмдан, террористик актлардан, радикал гоёларнинг турмушдаги акс садоидан азият чекмаган бўлса. Шунинг учун ёшларни радикал, экстремистик ва террористик гоёлар таъсиридан асраш масаласига жиддий эътибор қаратиш шарт. Негаки, бу халқ ва давлат тақдирига дахлдор масала.

Миср Араб Республикасидаги Экстремизмга қарши кураш "Ал-Азхар" обсерваторияси директори Реҳам Абдуллаҳ Салама ўз юртидаги радикал гоёларга қарши курашишнинг амалий тажрибаси ҳақида шундай дейди:



– Дунё мусулмонларининг катта қисми араб тилида сўзлашмайди, шу боис, ислом ҳақидаги маълумотларни турли воситалар – веб-сайтлар, имомлар ёки "Google" орқали олади. Шунинг учун уларга турли тилларда тарқалаётган ёт ва мутаассиб фикрларни аниқлаб, ўша тилларда жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Радикал гоёлардан, энг аввало, ёшлар ҳимояга муҳтож.

Яқинда шундай воқеа содир бўлди. 15 ёшли ўсмир ота-онаси билан бирга марказимизга келди. У экстремистик гоёлар таъсирига туриб қолган экан. Унга оддий ўйин – PUBG орқали мурожаат этишган. Ўйин пайти унга аввал видео, кейин хабарлар юборишган. У билан шахсий алоқа ўрнатилган, Telegram орқали узоқ ва кучли таъсир ўтказилган. Отанинг айтишича, фарзанди ижтимоий ҳаётдан четлашган, ҳатто, ўзига яқин аёл қариндошлари билан ҳам саломлашганини истамай кўйган, узоқ вақт ётқонхонада ўтирадиган бўлиб қолган. Биз текширув ўтказиб, масала жиддий эканини аниқладик. Бу билан ишлаш осон бўлмади. Чунки унга жуда кўп ёлгон ва бир томонлама контентлар кўрсатил-

ЖАҲОЛАТ

"ҲИДОЯТ" ЛИБОСИДАГИ

ган экан. Унга китоблар бердик, мулоқот қилдик, баҳс-мунозара ҳам бўлди. Кейин уни "Ал-Азхар" университетига ва "Ал-Ҳусайн" жомеъ масжидига экскурсияга олиб бордик. У аввалига ўз қарашларини қатъий ҳимоя қилди. Лекин вақт ўтиб, ўзгарди. Унда тўғри фикрлаш жараёни бошланди. Энди у фойдали шахс. Агар бу жараён бўлмаганида, у террорчи ташкилотлар сафига кириб кетиши мумкин эди.

Шубҳа воқеа мисолида биз барча ота-оналарга мурожаат қиламиз: фарзандингизга эътиборли бўлинг. Агар унда қандайдир ўзгариш сезилса – қизиқишларини йўқотса, ўзини олиб қоча бошласа – асло бепарво бўлмаган!

Реҳам Абдуллаҳ Салама ҳақ. Ҳар бир ота-она фарзандини кузатиб бориши шарт. Чунки ҳозирги даврда ҳар бир ёш экстремизм нишонига айланиши эҳтимоли жуда юқори.

Александрия кутубхонаси директори Аҳмад Абдуллоҳ Зайд фикрига кўра, бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири – ёшларни экстремизмдан ҳимоя қилиш, уларни маданий ва илмий дунёга жалб этиш, шу билан бирга, маърифат, бағрикенглик, бошқаларга ҳурмат ва ишонч қадриятларини сингдириш:

– Масалан, фақат менинг диним тўғри, фақат менинг миллатим яхши, фақат менинг тилим улуг, дейиш ёки фақат замонавий маданиятнигина маъқул деб ҳисоблаш ҳам мутаассиб қарашдан бошқа нарса эмас. Ёшларни турли даврлардаги фалсафа, илм, дин ва санъат намояндалари билан таништириш лозим, токи, улар англасинки, инсоният цивилизацияси ҳеч қачон фақат бир халқ ёки бир миллати бўлмаган, балки у доимий равишда бир-бирини бойитиб борган Месопотамия, Миср, Ҳинд, Хитой, Юнон, Финикия, Искандария, Мовароуннаҳр, ислом ва замонавий Фарб цивилизацияси маданий

меросларидан ташкил топган. Диний ва дунёвий илмлар ўртасида ажралиш бўлиши мумкин эмас. Ислоом фақат охират ҳақида эмас, балки бу дунё ҳаёти ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишни буюрган. Иймон фақат намоз, рўза ва бошқа ибодатлар билан чекланмайди. Иймон тўлиқ жараён: у ибодатни ҳам ўз ичига олади, бир вақтнинг ўзида дунёвий ҳаётга ҳам эътибор беришни талаб қилади. Шунинг учун мусулмон киши дунёвий илмларни ўрганиши шарт. Чунки ислом олами фақат дунёвий илмлар эгалланганида ривож топади.

Диний радикализм ислом дини белгиланган мувозанатга дахлдор эмас. Бир неча ўн йиллардан бери бирор юртни истило этиш, итоатда тутиш, давлатнинг худудий яхлитлигига раҳна солиш, мустақиллигидан қисман ё тўла жудо этишда диний радикализмдан устамонлик билан фойдаланилаётгани жиддий хушёрликни талаб этади. Бундай ғаразли ҳаракатларнинг мавжудлигини тадқиқотчи-олимлар аллақачон исботлаган. Бундан йилгирми бир йил муқаддам француз шарҳуноси, сиёсатшунос ва йирик диншунос эксперт Оливье Руа диний радикаллашув ҳодисасини ўрганишга бағишланган тадқиқотларидан сўнг, шундай истеъзоли саволни ўртага ташлаган эди: Ислоом радикаллашяптими ёки радикаллашув исломлашяптими? Ушбу ҳодиса билан боғлиқ жараёнларни диққат билан кузатган ҳар бир киши, диний радикализмни замонавий дунёнинг идиологик борасидаги янги феномени, деган бўларди.

Сиёсат, санъат, технология, саноат, сувийн идрок ва фаровонлик борасида илгарилар кетган мамлакатларда, шубҳасиз, илм тараққий этган. Бунинг акси ҳукм сураётган маконларда эса, афсуски, жаҳолат илдиз отганини кўрамыз. Илмга лоқайдлик, хунар эгаллашга бепарволик бугун ҳам кўпбала мамлакатларни ер шарининг зулматга бурканган пучмоқларига яшашига маҳкум этган. Бунинг яна бир сабаби бор. У геосиёсатдир.

Геосиёсат, оддий қилиб айтганда, турли мамлакатлар ўртасидаги "катта шахмат ўйини". Унда ҳар бир ҳудуд, дарё, тоғ, денгиз йўли ёки газ қувури ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу ўйинда геосиёсий рақибни заифлаштириш, унинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятини сусайтириш, стратегик ҳудуд ва ресурслар устидан назоратни кўлга киритиш ёки бошқа ғаразли мақсадлар кўзланган ҳолда турли наيرانлар қўлланилади. Аҳолини радикаллаштириш, жамиятни мафкуравий ёки диний бўли-

нишларга ундаш, ёшларга номувофиқ таълим бериш ёки диний мутаассибликни дастаклаган ҳолда дунёвий илмда ривожланишига йўл бермаслик шундай найранглардан саналади. Нега йўл беришмайди? Чунки ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, технологик жиҳатдан қолақ халқлар ва мамлакатларни бошқариш, улар эгаллик қилиб турган ер ости ва ер усти, инсон ресурсларини кўлга киритиш осон. Шунинг учун уларнинг ривожланишига турли йўллар билан тўсиқ қўйилади.

Халқ ва давлат ривожига ғов бўлажак ўша тўсиқларнинг бири аҳолини радикаллаштиришдир. Ижтимоий ҳодиса ҳисобланган бу феномен бирорта давлат учун хайрли бўлмаган. Келинг, тарихий далилларга мурожаат қилайлик.

IX-X асрлар. Хуросон. Аббосийлар даври. Нишопур, Марв, Балх сингари буюк илм марказларида дастлаб илм-маърифат гуллаб-яшнади. Аммо диний радикал оқим ҳисобланган хорижийлар, гулот фирқалари, "мутазилийлар" таъсирида жамиятда ихтилоф ва бўлинишлар юзага келди. Оқибатда илм ривожини тўхтади, олимлар қувғинга учради. Минтақа эса Ғазнавийлар ва Салжукийлар томонидан босиб олинди. Илм ва дин ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши охири-оқибат давлатнинг емирилишига олиб келди.

XIII-XVII асрлар. Европа – Инквизиция даври. Католик черкови вакиллари дунёвий илм эгаларини черков таълимотига қарши чиқувчилар деб таъқиқ қилди. Оқибатда файласуф, астроном, шоир ва илоҳиятшунос Жордано Бруно гулханда ёқилди, астроном, физик, математик, муҳандис ва файласуф Галилей уй қамоғига ташланди. Дунёвий илм-фан тарафдорлари бўлган юзлаб, эҳтимол, миңлаб кишилар бошига ҳам шундай қисмат тушди. Оқибатда Европада илмий инқирозга сабаб бўлган "Қора асрлар" бошланди. Жаҳолат илмдан устун келиб, тараққиёт тўхтади.

XX-XXI асрлар. Афғонистон. 1970 йиллардан кейин ташқи таъсир ва ички қарама-қаршилиқ натижасида жамият ичида диний-радикал фирқалар устувор бўла бошлагани оқибатида тинч аҳоли уруш ғирдобига қолди, таълим тизими вайрон бўлди, аёллар ҳуқуқи чекланди, интеллектуал салоҳият тубанга юз бурди. Диний радикализм давлатни ҳам, халқни ҳам хонавайрон қилди.

Шу ўринда савол туғилади: радикаллашув, халқ учун ҳам, давлат учун ҳам яхшилик олиб келмас экан, унда нега бу ижтимоий ҳодисага қарши турилмаган

ёки бу ташқаридан бошқариладиган улкан лойиҳаи?

Бу саволга **Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси профессори Ҳабибулла Садибақосев** шундай жавоб беради:



– Радикаллашувга илм-хунарга бепарволик ва ёшлар таълимига лоқайдлик ҳам сабаб бўлиши мумкин. Тарихда ҳам, замонавий сиёсий жараёнларда ҳам аҳолини радикаллаштириш махсус режалаштирилган "геосиёсий технология" сифатида қўлланилган ҳолатлар бор. Буни баъзан "идорали радикаллашув" деб ҳам атаймиз.

Масалан, XIX аср охири – XX аср бошларидан Буюк Британия Ҳиндистон ва Афғонистонда "диний радикаллашувни бошқариш" лойиҳасини олиб борган. Ўзининг империалистик ҳукмронлигини сақлаш учун аҳолини ҳинд-мусулмон зиддияти асосида бўлиб ташлаган. Бу борада мадрасалар ва диний жамоатлар орасида тор фикрли, соф эътиқод даввосидаги қараш эгалари рағбатлантирилган, миллатчилик ва конфессиявий кураш кучайтирилган, айрим радикал қанотлардан геосиёсий манфаатлар учун фойдаланилган. Бу найранг натижасида Ҳиндистон иккига бўлинди, Афғонистонда эса доимий зиддият муҳитига замин яратилди.

1979-1989 йиллар мобайнида собиқ СССР ва АҚШнинг "Афғонистон жанг лойиҳаси"га гувоҳ бўлдик. Коммунизм кенгайишига қарши АҚШ, Покистон, Саудия Арабистонининг маҳаллий гуруҳлар иштирокидаги "жиходий" ҳаракатларни қўлаб-қувватлаш, мадрасалардаги ёшлар оғига "жиходий гоёларни" сингдириши Афғонистон, Покистон ва Марказий Осиёда радикал гоёларнинг илдиз отишига сабаб бўлди.

Мавзуюзасидан яна бир эксперт – **Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёр-**

лаш институти директори Ҳусниддин Аҳмедов ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этади:

– 2010-2020 йиллари Яқин Шарқда содир бўлган "Араб баҳори" инқилобларини ёдга олинг. Бу четдан туриб бошқарилган радикаллашув ҳодисасининг бир кўриниши, ғаразли давлатларнинг турли разведка тизимлари томонидан маънавий



бўлиқни радикал гоёлар билан тўлдиривча бўлган уринишнинг бир қисми эди. Натижада Ливияда Қаддафий режими йиқилгандан кейин, "Ансор аш-Шариа" ва бошқа жангар гуруҳлар учун майдон очилди. Сурияда турли давлатлар қўллаган "қўзғолончилар" кейинроқ "ИШИД" террористик ташкилотини шакллантирди.

Халқларни радикаллаштириш ҳаракатлари ҳеч қачон тўхтамаган. Қарийб уч асрга яқин вақт мобайнида тарғиб этиб келинаётган сохта салафийлик гоёлари ҳам бугун аҳолини радикаллаштиришда энг улкан лойиҳа сифатида яшаб келмоқда. Гўёки "соф ислом" гоёларини кен тарғиб этиш, халқаро таълим грантлари орқали ёш авлодни шу йўналишга жалб қилиш, маҳаллий диний аъёнлар урнига четдан кирган ва қотиб қолган қарашларни қарор топтиришга уриниш хануз кузатилади. Бундай ҳолатлар фақат ислом дини доирасида эмас, аскар дин вакиллари орасида бўлиб ташлаган. Африка ва Латин Америкасида, Колумбия ва Венесуэладаги диний ва этник давводоги "ижтимоий гуруҳлар" бугунга келиб аллақачон геосиёсий таъсир воситасига айланган. Бу ҳодисалар фирромлик билан саҳналаштирилаётган жуда катта спектакллар. Эътиқод билан боғлиқ аскар оқимлар, ҳаракатлар, гуруҳлар – айрим ёвуз кучларнинг, яъни учинчи томоннинг ўйлаб топган фитнасидаги шунчаки иштирокчидир.

Шу ўринда ўқувчи равшан етказиш лозим бўлган бир ҳақиқат бор: радикаллашув асло ҳидоят эмас, аксинча, "ҳидоят" либосидаги жаҳолатдир. Радикаллашув инсонни илмга эмас – тор фикрга, бағрикенгликка эмас – нафратга, бунёдкорликка эмас – бузғунчиликка етаклайди. Экстремизмга қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг, балки бутун жамиятнинг, ҳар бир олим инсоннинг олдида турган долзарб вазифадир.

Абдулҳамид МУХТОРОВ,
"Зиё" медиа маркази директори



Хосият БОБОМУРОВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Баланд кўтар Ўзбекистон байроғини!

Бошланиши 1-саҳифада.

БАЙРОҚ

Нажмиддин Кубро бўл, Жалолдидин бўл,
Офтобек балқини, моҳтоб каби тўл,
Ватан учун яша, Ватан учун ўл,
Эгилиб келса ҳам, товларга берма,
Байроғингни кучгин, ёвларга берма!

Байроғинг номусинг, оринг бўладир,
Ёнингдан айрилмас ёринг бўладир,
Узун карвонларда норинг бўладир,
Байроғи йўқларнинг боши бўлмайди,
Ватани, рўзғори, оши бўлмайди.

Бир байроқ остида бирлашгин, элим,
Дардингни яширма, сирлашгин, элим,
Юксалгин, тоғлашгин, қирлашгин, элим,
Топмасинлар руҳи сендан байроғини,
Баланд кўтар Ўзбекистон байроғини!

САМАРҚАНДГА КЕЛ

Кувончу ғамларни ютган қасрлар,
Регистонда кулар, йиғлар асрлар,
Ҳар қаричда жумбоғу сирлар,
Самарқандга кел!

Тирикми ҳайратинг, боқ: Бибиҳоним,
Меҳр керак бўлса, ич, ана қониб,
Покланмоқ истасанг оқил тўлғониб,
Самарқандга кел!

Гўри Мир, юлдузлар кўниб ўтар жой,
Тўхтаб қолар бунда ўн тўрт кунлик ой,
Меҳробр деганлари шудир ҳойнаҳой,
Самарқандга кел!

Шоҳ бўлмоқ истасанг битта юракка,
Қул бўлмоқ истасанг битта юракка,
Кўмилмоқ истасанг битта юракка,
Самарқандга кел!

БОҒИ БЕҲИШТ

Ёмондин кўнгилда доғ қолмиш мудом,
Яхшидин жаҳонда боғ қолмиш мудом,
Ўн тўрт боғ яратмиш Самарқанд аро,
Соҳибқирондин дил чоғ қолмиш мудом.

Ҳар аёл шаънига боғ яратилмиш,
Фахрдан кўнгиллар тоғ яратилмиш.
Боғи Беҳишт Туман оғага атаб,
Темур меҳри ийган чоғ яратилмиш.

Хандақ тўла сув экан тўрт томони,
Хушхон булбул, товусларнинг чамони.
Охулар яйраркан, қушлар сайраркан,
Келган экан гўзалликнинг замони.

Тўрт кўприк саройга боғни уларди,
Кечалар ҳасаддан тонгда куларди,
Икболу саодат шу боғни излаб,
Бахт ҳам боғи Беҳишт аро куларди.

САМАРҚАНДАН КЕЛМАДИ ҲЕЧ КИМ

Саидризо Ализода сўзи

**Владимир шахридаги турма бошлиғи
Жавиго хаста ва паспорти йўқ Саидри-
зони олиб кетинглар, деб Самарқандга
хат йўллаган экан. Хат қариндошларга
етиб келмаган. Буюк олим, садақатли
фарзандига Самарқанддан ҳеч ким бор-
маган...**

Қанча қаролик бор, келди жонимга,
Барча оғуларни ютавердим жим.
Аҳволимни сўраб, менинг ёнимга
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Турма бошлиғини кўндирган эдим,
Нафрат оловини сўндирган эдим,
Бошимга омадни кўндирган эдим,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Гарчанд қайнар эди зулм қозони,
“Олиб кетинглар, деб Саидризони”,
Хат борди, тўзса ҳам ғамлар тўзони,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Ҳали бола эди набирам Фарҳод,
Кимларнинг кўлида қолиб кетди хат,
Кўз тутдим йўлларга, чекиб ох, фарёд,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Минглаб гуноҳсизлар бўлса ҳам қурбон,
Ҳеч кимга берилмас эди бу имкон,
Ватан, сени кутдим ҳар лаҳза, ҳар он,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Бир кўрсам, танамга кирармиди жон,
Етмиш томримда жўшармиди қон,
Маккадан бўлсам ҳам қайтардим, инон,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Боланнинг саводин чиқарган эдим,
Халқингни кўқларга кўтарган эдим,
Ўзим ҳам шу юртда кўқарган эдим,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Ҳатто бир хасингча қадрим йўқмиди?
Ёвлар тирикмиди, қаҳри чўғмиди?
Битта юрагимга битта ўқмиди?
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Ёвларим билан ҳам тил топган эдим,
Илмимнинг ордидан йўл топган эдим,
Бошимни силовчи қўл топган эдим,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Кутавериб жигар бўлди қора қон,
Турма азобидан ўлмади бу тан,
Мени бир йўқламай ўлдирди Ватан,
Нега Самарқанддан келмади ҳеч ким?!

Бир бағримга босиб ҳидласам, кучсам,
Мушқу анбар тутган хушбўй гулларни.

Баҳор томонларга турнадай учсам,
Унутиб хазона тўла йўлларни.

Эсламасам асло кимлигимни ҳам,
Елларга ёлборсам, қошига элтгил.
Қўллари етмайин қолиб кетса ғам,
Баҳорга ўзимни топширсам буткул.

АЛЛА

Дунё ухлар бешиқда-ё, алла-ё,
Тойчоқ кишна эшиқда-ё, алла-ё,
Бир дунёча хикмат бор-а, алла-ё,
Энанг айтган кўшиқда-ё, алла-ё.

Қўли бовли, полвон болам, алла-ё,
Орзулари алвон болам, алла-ё.

Томирингда Темур бобонг қони бор,
Шиддатингда юз йигит имкони бор,
Шул шоҳона тахтада бир уйғонай деб,
Ҳар йигитнинг юракда армони бор.

Оху қувган йўлбарс болам, алла-ё,
Ором олгин бирпас, болам, алла-ё.

Бибиҳоним алла айтган бешиқдир,
Шаҳзодалар манглай урган эшиқдир.
Киндик қонинг тўқилган юрт номига,
Жумла жаҳон маҳлиёдир, ошиқдир.

Бешик болам, бек бўларсан, алла-ё,
Ёки Улуғбек бўларсан, алла-ё.

Зар тўнчалар тикай жоним, алла-ё,
Гул, райхонлар экай жоним, алла-ё,
Нур, зиёлар балқиган пешонангдан,
Чўчиб кетма, ўпай, жоним, алла-ё.

Нур жаҳоним, Самарқандим, алла-ё,
Арслон болам, асал қандим, алла-ё.

ШОИРГА МАКТУБ

(Зулфия монолоғи)

Лола ҳам бермадинг узиб кўлимга,
Улар ҳам яшасин, дединг куйини.
Аммо юрагингни куйиб йўлимга,
Не қилсанг сеники, дединг суюниб!

Гоҳ олам юкига қаламинг тираб,
Мўъжиза яратиб кўйсанг-да ўзинг,
Мен содданг олдида ногоҳ довдираб,
Мақсадинг айтолмай чувалди сўзинг.

Шафқатли тақдирга минг шукур қилиб,
Иккимиз етган дам сен илҳомга қул.
Сўз излаб, қалбингни беаёв тилиб,
Унутиб қўярдиг боримни буткул.

Гоҳ тўқмоққа рози айлаб қонимни,
Ҳеч ким сенинг каби юкламаган ғам.
Кўқларга кўтариб митти жонимни,
Ҳеч ким сенинг каби севолмаган ҳам!

Ўзинг мени қаттиқ ўргатиб қўйдинг,
Тўлқини зўр, оташ муҳаббатинга.
Нечун керагидан ортиқроқ сўйдинг,
Бепарволик бир зум келмай ёдингга.

Сен учун оламда менчалик эрка,
Менчалик сиғинган бир жон бормиди?
Мен учун оламда васлингдан кўркам,
Сендан ўзга бирор инсон бормиди?!

Ҳамид, олмаймизми, бизлар ахир ўч,
Ҳижрон деб аталган кундуз, кечадан.
Самарқанд юлдузи порлаган бу кеч,
Ўтмайсанми яна ўша кўчадан?

Сенинг сўзларингни ёниб айтарман,
Юрагим қафасга сиғмас бу чоқда:
“Мени кутгил ва мен қайтарман,
Ўлимларни қолдириб доғда!”

МАЁҚ

Бизга адабиёт фанидан
Йўлдошали Солижонов
дарс берарди. Яхшигина
юмори бор, бошқа устоз-
ларга қараганда талаба-
ларга қалбан яқинроқ эди.
Адашмасам, иккинчи курс-
далигимизда, қишки сес-
сиядан сўнг бўлса керак,
факультетда “янги домла
кепти” деган гап юриб қолди.
Талаба учун бу хабар
муҳимлигини ўша пайтда
ўқиб, устозлар меҳрию қаҳ-
ридан “баҳраманд” бўл-
ган толиби илм билади.
Билгичларнинг айтишича,
устоз Самарқанд давлат
университетидан бизга
йўлланган экан, шариф
исми – Асқарали Шаропов.
Талабалигим билан боғлиқ
кўп нарсалар эсимдан чи-
қиб кетган бўлиши мумкин,
аммо шу домланинг илк
дарси ҳамон эсимда.

Ўшанда Мақсуд Шайхзоданинг
“Мирзо Улуғбек” драмаси бўйича
семинар дарс бўлиши керак эди.
Домла гапни қисқа қилди, йўқла-
ма ҳам, танишув ҳам бўлмади.
Фақат:

– Бундан бу ёғига бу курсни сиз-
ларга мен ўтаман. Мабоодо дар-
сим ёқмаса, ўзларингни мажбу-
рлаб ўтирманглар. Фақат имтиҳон,
заҳётларни мен талаб қилгандай
топширсаларинг бўлди. – деди.

Бир ярим йилдан зиёд ўқиб, ҳали
бирор устоздан бунақа галати гап
эшитмагандик. Устозларимизнинг
деярли бари дарсга кирмасак ёки
конспект ёзмасак, имтиҳон, заҳёт-
да кўрсатилар, дея дағдаға қили-
шарди.

Анграйиб қолдик. Домла шун-
дай дедию бирданига семинарга
ким тайёрлигини сўради. Албатта,
кўпчилигимиз қўл кўтардик, чунки
ҳаммамиз ўзимизни яхши ўқийди-
ган талабалар деб ҳисоблардик.
Бўйим пастлиги учун ҳаммиса ол-
динги партада ўтирардим. Кўзлари
менга тўшдики ё домла бизга так-
лиф қилган эркинликнинг ифодаси
юз-кўзимга қалқидими, менга:

– Сен чиққин-чи, – деди. Менга
икки инсон (иккови ҳам беҳад қадр-
ли) биринчи кўрганидек “сен” деб
мурожаат қилган: Бири – Шаропов
домла, яна бири – устоз шоирамиз
Зулфияҳоним.

ДУНЁ ИЧРА ДУНЁ

Қўлимда адабиётшуносларнинг
“Мирзо Улуғбек” драмаси ҳақида
ёзган мақолаларидан кўчирмалар
олинган қалин дафтар. Энди ўқиш-
га чоғланган эдим (шу пайтгача биз
семинарни шундай ўтардик), домла
беҳос:

– Мақсуд Шайхзода қандай
шоир? – деб сўраб қолди. Довди-
радим. Таржимаи ҳолини ўтганмиз,
озми-кўлими биламан. Қаерда туғил-
ган, қандай асарлар ёзган, тарзида-
ги саволлар берилса, бемалол жа-
воб беришим мумкин эди. Аммо бу
савол мен учун қўтилмаган бўлди.
Барибир, жим туришни эп кўрма-
дим. “Янги домла”нинг хотирасида
“билмасой” бўлиб ўрнашиб қолгим
келмади.

– Яхши шоир, – дедим. Домла
кинояли кулимсиради:

– Нимаси яхши?
– Яхши асарлар ёзган. Жало-
лиддин Мангуберди ҳақида, Мирзо
Улуғбек ҳақида...

– Шейрлари-чи?

Қани, ўшанда бирорта шейри
эсимга келса... Биз бечоралар
шейр таҳлил қилиб кўрибмиз-
ми?... Бўлибам, Мақсуд Шайхзо-
данинг шейрияти ичига кириб
кўрибмизми? Қизариб-бўзариб
кетган бўлсам керак. Боз усти-
га, икки оғиз гапдан домламиз
билим даражамни билиб олди,
шекилли:

– Марҳамат, “Мирзо Улуғбек”ка
қайтамиз, – деди.

Мен енгил нафас олгандек бўл-
дим. Дарров дафтаримни очиб
ёзувларимга қараб-қарамай, “Фа-
лон адабиётшунос “Мирзо Улуғбек”
ҳақида ундоқ деган, пистон ада-
биётшунос бундоқ деган”, дея сай-
рай бошлаган эдим, домла кескин
қўл силтаб тўхтатди.

– Менга бу асар ҳақида адабиёт-
шуносларнинг нима дегани мутла-
қо қизиқ эмас. Бўлажак адабиёт
ўқитувчиси сифатида “Мирзо Улуғ-
бек” ҳақида сен нима дейсан? Мен-
га шу қизиқ, – деди. Биз ҳали катта
ёзувчи, шоирларнинг асарларини
таҳлил қилиб кўрмаган эдик. Бунинг
устига, биздан ҳали асарларнинг
оригиналини ўқишни ҳам талаб қи-
лишмаганди.
Жим қолдим.

– Драмани ўқидингми ўзи? –
домланинг гапи милтиқнинг ўқидек
тегди. Ҳартуғул, ўқиган эдим.

– Ҳа, – дедим. Аммо ҳозир домла
драманинг ичига кириб, ўзига хос
саволлар (биз бу хосликни анча ке-
йин билдик) бера бошласа, тилим
тутилиши турган гап эди. Домла
буни сизди чоғи:

– Ўтир, – деди ва бундан кейин
семинар қай тартибда ўтишини ту-
шунтира кетди:

– Бугундан бошлаб яп-янги умум-
ий дафтар тутасизлар. Бундан
кейин фақат конспект билан ки-
фояланмайсизлар. Асарни, дей-
лик, “Мирзо Улуғбек”ни, аввало, ях-
шилаб ўқиб чиқасизлар. Воқеалар
ривожини таҳлил қиласизлар. Эк-
позиция, асар динамикаси, туғун,



кульминацияси, ечим... Ҳар бирини
алоҳида таҳлиллайсиз. Кейин худ-
ди шу тартибда асарнинг асосий
қаҳрамонларини, сўнгра қўшимча
персонажларини... Тушунарли-а?..

Икки пара дарс қандай ўтиб кет-
ганини билмадик. Хайрлаша туриб:
– Янаги дарсда йил охиригача
ўқиб чиқишингиз шарт бўлган китоб-
лар рўйхатини бераман, – деди-ю,
қўшиб қўйди: – Кейинги машғулот-
да ё Мирзо Улуғбекнинг ё сизлар-
нинг фожиаларинг содир бўлади...

Шу тарз замонвий адабиётнинг
ичига чуқурроқ кириб кетдик. Ҳали
айтганимдай, жуда “бум-бум” эмас-
дик ўзи. Сал бошламаси айтилган
нарсани тушунардик ва эплаб ке-

тардик. Шундай қилиб, фақат про-
заик эмас, поэтик асарларни ҳам
таҳлил қилишга уста бўлиб қолдик.
Насрий асарлардан ёзувчиларнинг
хатоларини ҳам топардик. Кунлар-
нинг алмашиб кетгани, бир-икки
ўринда иштирок этадиган қаҳра-
монларнинг исмлари ҳам чалка-
шиб қолганини толдик. Бундай қи-
зқарли таҳлилларга шу қадар
берилиб кетдикки, курсимиздаги зўр
ўқийдиганлар бир ёқда қолиб, бун-
дайроқ ўқийдиганлар ҳам домла-
нинг дарсларини бошқа дарсларга
қараганда яхши ўзлаштирадиган
бўлишиди. Вақти-вақти билан “Ўқи-
ладиган адабиётлар рўйхати” бўйи-
ча вазифаларни топширардик. Бу
машғулот коллоквиум деб аталар,
биз унга ўзимизча “калла кўм” деб

ланган бўлиб, асар учун у қадар
катта аҳамиятга эга ҳам бўлма-
сди. Лекин домла асарни ниҳоятда
диққат билан ўқишимизни иста-
гани учун бизни шундай имтиҳон
қиларди. У кишидан ўрганган му-
толаа тартиби мана ҳозиргача
сақланиб қолган, бирор асарни
ўқиб бошладимми, дарров кўлим-
га қалам олиб, бўлақларга ажрата
бошлайман.

Асқарали Шаропов бизга дарс
бераётган йилларда ҳали Чўл-
поннинг асарлари чоп этилмаган
эди. Биз бу шоирнинг исминигина
эшитгандик, холос. Эсимда, дом-
ла бизга Чўлпоннинг машинкада
кўчирилган шейрларини олиб ке-
либ ўқиб берган. Фақат ўқибгина
бермасдан, рамзлар маъносини
(домланинг кандидатлик ишлари
“Ўттизинчи йиллар адабиётида
символика” мавзусида эди. Шу-
нинг учун устоз Чўлпонларни “сув
қилиб ичиб юборган” бўлса керак)
ҳам тушунтириб берардики, юра-
гимизда ўзгача бир оташ ёнарди.
Ҳали биз қўлиқ, қарамлик, миллат
озодлиги, деган тушунчаларга етиб
келмагандик. Шу-шу, ҳаётимизда
нималариндир ўзгартириш керак-
лигини англай бошладик. Қалб-
ларимиз ўзимизга ҳам тушунарли
бўлмаган бир ҳиссиётларга тўлди.
Домла адабиётимизда ўша пайтда
хаёт бўлган баъзи ёзувчиларни бир
сабабларга кўра тан олмас ва буни
яширмасди ҳам.

– Мен фалончи, писмадончи
ёзувчиларни, дастуримизда бор
бўлса-да, сизларга ўтиб бермай-
ман. Кутубхоналарда китоблари
бор, агар қизиқсаларинг, топиб ўқиб
олинглар. Бунинг ўрнига олтишинчи,
етмишинчи йиллар ёшлар ада-
биёти мавзусини ўтаман, – дерди
ва Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳоши-
мов, Шукр Холмирзаев, Абдулла
Орипов, Эркин Воҳидов каби ўша
давр ўзбек адабиёти чўққисига чи-
ққан ёзувчи, шоирлар ижоди билан
таништирарди. Чўлпондан сўнг бу
ижодкорлар билан танишув биз-
нинг миллат, халқ борасидаги ту-
шунчаларимизнинг яна бир поғона
баландлашига сабаб бўлди.

Мен домланинг дарсларини
жуда кутардим. Дарсларида бутун



Кутлибека РАҲИМБОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

вужудим қулоққа айланар, ҳаво
олаётгандай, ташналиқда ютоқиб
сув ютаётгандай ичардим айтаёт-
ган жумлаларини. “Нафас олманг-
лар-ей, Кутлуғойга халақит беряп-
сизлар”, дея тегишарди ўртоқларим
унинг дарсларида.

Тўрт йил бирпасда ўтиб кетди.
Мен домла қайта кўрмасам ке-
рак, деб ўйлагандим. Тасодифни
қарангки, Тошкентга келиб, Гафур
Ғулوم нашриётида фаолият бош-
лаганимда, у киши ҳам айнан шу
нашриётга ишга кирди. Нега ўқитув-
чиликни ташлаган – менга қоронғи.
Домлани нашриётга Омон акам
(Матжон) олиб келган бўлса керак.
Чунки улар иккови ҳам Самарқанд
университетида бирга ўқишган. Бир
устоз (Нуриддин Шукуров)дан тах-
сил олишган.

Домла нашриётда адабиётшу-
нослик бўлимида ишлади. Пахта
йиғим-теримига жалб этилгани-
мизда, у киши штаб бошлиғи (хур-
мати борлигидан) бўларди. Албат-
та, нашриёт ходимлари талаба
эмас, улар жон куйдириб пахта
термайди. Зах ўтмаслиги учун бир
этаб териб, устида ўтириб гурун
қуришарди. Мен узокдан домла
кўринсалар, дарров сакраб турар-
дим.

– Ўтирсангиз-чи, вазифангиз тенг,
энди улар сизнинг домлангиз эмас, –
дейишарди ҳамкасблар. Мен:

– Йўқ, Асқарали Шаропов бир
умр менинг устозим бўлиб қола-
ди, – дер эдим.
...Тақдир экан, домла у қадар
улуғ ёшга чикмасдан вафот этди.
Домладан “Дунё ичра дунёлар”
номли биргина китоб қолди. Эс-
лашга, эсланишга арзийдиган устоз
эди. Айтганимдай, Асқарали Шаро-
повдан бир умрга татиғулик сабоқ
олганман.


(“Йўлчиқларим” туркумидан.)



Бошланиши 1-саҳифада.

Сизнинг ана шундай тунларингиз ҳисобланса, йиллар ҳосил бўлади.

Сизнинг сабр-бардошингиз, фидойилигингизга таҳсинлар ўқмай бўладими? Аёли ўтган эркак ҳар хил сабабларни рўқач қилиб (яшириб нима қилдик), кўп ўтмай уйланиш тараддудига тушиб қолади. Бева аёллар-чи, аёллар?... Уруш вақтларида (бошқа маҳалларда ҳам) қанчалар навжувон бевалар фарзандлари билан ёлғиз қолиб, уларни ўғай отанинг қош-қовоғига қаратмай деб, энг гуллаган даврларини қурбон қилишган. Оналарни кўйинг... Ҳаётнинг кўша яшашдан неъматини нақадар улуг, нақадар тотли эканини англаб, фаровон ва бекам яшаш имконлари бисёр, яна ҳусну жамолда тенгсиз малика бўла туриб, фақат ўз муҳаббати,



Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Мен Ҳиндистондек бепоеён мамлакат подшоши – Заҳридин Бобурнинг бир неча чақирим йўлни босиб, суюкли рафиқаси Моҳим бегимга пешвоз чиққанини ва унинг отдан тушишига изн бермай, қайта-

Сиз буюксиз, АЁЛЛАР!

этиқодига содиқ қолиш, “бевафо” деган маломат, надоматдан сақланиш учун кўп ширин орзулар, ниятлар, армонлар тўла гўзал, хур қалбини ўз ихтиёри ила тоқлик занжири билан банди этган Зебунисобегимларнинг жасоратига, матонатига нима дейлик!

Ҳа, сиз:

Мен-ку, мен ваъдага турдим
Сочда сочдоғим билан,
Сен-чи, сен – ваъдаси ёлғон
Белда белбоғинг билан... -

деган аёлсиз!

Ҳа, сиз – сизни севиб эъзозлаган завжи муҳтарамнинг руҳи покани чирқиратмаслик учун ўлимга тик боққан Моҳлароимсиз! Унинг авлодлари, ворисларисиз, яъни ибратли фазилатлари ворисларисиз...

Сиз тарих тўридан мангуа жой олган Жаҳоноро бегим, Гавҳаршод бегим, Гулбадан бегим, Нуржаҳон бегимлар, Аржуманд бону – Мумтоз маҳаллар зотидансиз...

Сиз – Алпомишларни Алпомиш қилган Барчиноларсиз!

Сиз – вафо рамзлари, тимсоллари Нодирабегимсиз, Зулфияхонимсиз!

Сиз – Лутфихонимсиз, Гулчехра – Кумушсиз... “Чаман ичра”, “Сарви гулрў келмади”, “Тановар” ва бошқа мумтоз ашуларга умрбоқийлик бағишлаган Ҳалима бону, Берта хоним, Муножот хонимсиз!

Сиз – хусну назокат, нозу истиғно маликалари тимсоли Вайжантималасиз!

Сиз... Эҳ-ҳе, бу рўйхатнинг адоғига етиб бўлмайди.

Сиз – исмлири жисмига монанд Сарвинозсиз, Турсуноисиз, Барносиз, Ойқизсиз, Ой билан Гулнинг қовушгани, уйғунлашгани – Моҳигулсиз...

Зеро, ҳазрат Навоий:

Жондин сени кўп севармен,
эй умри азиз,

Сондин сени кўп севармен,
эй умри азиз,

Ҳар неники севмак ондин
ортиқ бўлмас,

Ондин сени кўп севармен,
эй умри азиз,

деб бежиз дил изҳори этмаган!

Бежиз Заҳридин Бобур сизнинг оёқларингизга бош қўйсам, деб армон қилмаган. Мавлоно Фузулий сизнинг қадду бастингизга жонини бежиз тасаддуғу қурбон айламаган!..

Ҳа, аслида, ой сизга тимсол қилингани учун гўзал, ўзида йўқ эрка! Гул сизга қиёс этилгани боис, нафис, хушбўй, шундан феъли, табиати ҳам сизга ўхшаш: кўзу дилнинг ҳузурини аммо тикони бор...

Инчунин, сиз – муҳаббат маъбудаларисиз. Мумтоз адабиётимиздаги энг зўр шеърларга, дostonларга қаҳрамон бўлиб келгансиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверасиз. Инчунин, Лайли ва Мажнун, Вомику Уро, Фарҳоду Ширин киссаларини ўқиб ҳайратланамиз. Лекин, таажуби: тўқилган ўша ривоятлардан ҳайратланамиз-у, Бобур ва Моҳим бегим, уларнинг чеваралари Шоҳжаҳон ва Мумтоз бегимларнинг ҳаётини ишқ киссаларидан у қадар ҳайратланмаймиз, авлодларга ибрат қилиб кўрсатмаймиз! Ҳолбуки, улар ўз муҳаббатларини, садоқатларини халқ олдида ошкора намойиш этишган. Йўқ, аслида, бу ибора хато, улар “намоийш этиш”ни ўйлашмаган, улар қалб амрларини бажо этган, холос. Балки, ҳинд фильмларидаги аънавий ошиқ-машуқлик, вафо ва садоқат мавзуларига асли ана шу инсонларнинг севгили асос бўлгандир.

га жиловдорлик қилиб, яна қанча пиёда юрганини ўйлавераман, ўйлавераман... Ана шу ҳол фарбиқлар “жентльменлик” деб атайдиган назокатнинг, илтифотнинг, жўмардликнинг, аёлпарварликнинг асл шарқона, олий намунаси эди!

Мен бобурий шоҳларга пойтахт бўлган Агра шаҳридаги, Ҳиндистондаги икки машҳур дарёнинг бири Жамна бўйидаги беш асрдан бери олам сайёҳларини ҳайратга солиб келаётган виқорли, салобатли Тожмаҳални эсласам, ана шу бетимсол обиданинг яратилиш тарихини, Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳалларнинг бир-бирларига бўлган оташин муҳаббатлари, меҳру оқибатларини ўйлавераман-ўйлавераман. “Тожмаҳал” Мумтоз бегим васияти, илтимосининг ижросигина эмас, балки эрнинг хотинга чексиз муҳаббати, садоқати рамзи ҳамдир. Шунинг учун ҳам уни “Севги достони”, “Муҳаббат ва мусибат ёдгорлиги” каби номлар билан таърифлайдилар. Дарҳақиқат, қарийб 20 йил давомида 22 минг ишчи, қурувчи, хунаранд кучи, санъати билан барпо бўлган бу муаззам мақбара учун Шоҳжаҳон умрининг ана шунча йиллини, бутун дунёсини бағишлаган, сарфлаган! Нақадар буюк зот-а, аёл! Нақадар кучли унинг муҳаббатини...

Албатта, масаланинг иккинчи томони ҳам бор – Моҳим бегимлар, Мумтоз Маҳаллар ўз оқилликлари, шарқона одоблари, яъни сабр-бардошлари, ҳаё ва ибоблари, ифбатлари, вафодорликлари, ўз паноҳлари, валинеъматлари иззат-хурматини жойига қўя олишлари, уларга маслақдошу маслаҳатдошлик мақомига эришганликлари ва бошқа фазилатлари билан ана шундай муҳаббатга, қадрловга лойиқ эдилар!

Замонамизда ҳам Моҳимлар, Мумтоз Маҳаллар йўқ дейсизми, бор! Албатта, уларнинг буюклигига, муқаддаслигига соя соладиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин бу галча улар ҳақида сўз сакласак. Зеро, олқамасликнинг ўзи ёқламаслик-ку!

Дарвоқе, Нострадамус деган фаранг башоратчиси бундан бир неча юз йил илгари XXI асрда аёллар салтанатининг юзага чиқишига шаъма қилиб кетган экан. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмаганидек, дарё тўқинини, тўғрироғи, дунё тўқинини ҳам тўхтатиб қолиш амрига ҳолга ўхшайди. Дарҳақиқат, ҳозир ғайри бир ҳолат юз бераётгани сир эмас: савдо дунёси – бозордаги, умуман, кўчадаги одамларнинг учдан икки қисми, балки ундан ҳам кўпроғи аёллар! (Бунинг сабаблари бошқа, алоҳида мавзу). Демокримизми, аёлларнинг фаоллашуви ҳам давр, замон тақозоси чоғи. Лекин уларнинг фаоллашувига эркакларнинг сустлашуви, фаолсизлашувлари сабаб бўлмайптимикин? Шундай бўлса, бу дуруст аломат эмас. Бизда аёллар ҳаммиша эркаклар ҳимоясида, паноҳида, қарамоғида, ардоғида бўлиб келган, ўз нафосати, назокати, латофати, пазандаю бекаликлари билан давраимизни, оилаимизни, ҳаётимизни, дастурхонимизни безаган, умримизга умр қўшиб, унга мазмун ва файз бағишлаган.

Аёлларнинг гулга қиёсланиши бежиз эмас. Ҳар қалай, улардан атир бўйларини уфуриб турса, нигоҳларидан мамнунлиғу саодат ёлқинлари чақнаб, тиниқ ёноқлари пурқалган, сурқалган қизил рангдан эмас, табиий ол рангдан жилоланиб турса...

Илло, диёримиз аёлларига, қизларига ана шундай дилбарлик, бахтиёрлик, руҳафзолик, мўътабарлик ярашар!

ШУКУР БУРҲОН БАШОРАТИ

Ўзбекистон халқ артисти Малика ИБРОҶИМОВАга мактуб

Бошланиши 1-саҳифада.

Деразадан қор ёғишини томоша қилганча, уйга толдим. Аниқроғи, қирқ йиллар ортага қайтдим. У пайтлар “Ёш гвардия” (ҳозирги Ўзбек давлат драма театри) театрида ишлардингиз. Театр санъатининг фидойиси Эргаш Масафоев бош режиссёр эди. Ўша машҳур режиссёр қўйган спектаклларда ўйнаган ролларингиз кўз олдимдан ўтди.

Эсимда, Сиз хоҳ бош роль, хоҳ қийқим роль бўлсин, қойилмақом ижро этардингиз ва томошабин эсида қоларди. Зеро, Эргаш Масафоев ҳар бир роль маромига етмагунча спектаклни саҳнага олиб чиқмас эди. Мен унинг репетицияларини кўп кузатганман. Ҳар бир сўзга, унинг талаффузига, қайси сўзга ургу беришга, қисқаси, энг майда деталларгача аҳамият берар эди. Ниҳоятда талабчан режиссёр эди. Фикрим ва кузатишимча, унинг талаблари ўринли эди. Спектакль мукамал бўлиши билан бир қаторда, актёрларнинг маҳорат қирраларини очишга катта эътибор қаратарди. Масафоев талабларига чиқолмай театрдан кетиб қолганлар ҳам бўлди. Аммо уни тўғри тушуниб, ўз устида ишлаган актёр ва актрисалар кейинчалик театр ва кино санъатимизнинг кўзга кўринган намояндалари бўлиб етишди. Тўғон Режаметов, Ширин Азизова, Мурод Ражабов, Исмаил Эргашев ва албатта, Сиз – ўша мактаб вакиллари эдингиз. Яқинда бир суҳбатда айтган гапларингизни ўқидим: “Мен режиссёр Эргаш Масафоев билан ишлаб, санъат нақадар машаққатли соҳа эканини англаб етдим. Интизом нафақат санъатда, ҳаётда ҳам муҳим эканлигини билдим... Эргаш ака раҳбарлигида актёр ҳар қандай қиёфага кириши лозим эканини ўргандим”. Бу фикрингизнинг исботи сифатида битта мисол келтирмайман. Ўша йиллари “Илҳом” театрида қўйилган “Жамоат фикри” спектаклида тўртта ролни ижро этгансиз. Битта спектаклда тўрт қиёфага кириш, тўрт хил характерни кўрсата олиш – айтишга осон...

Ёшлик йилларимиздаги суҳбатларимизни ҳозир ҳам мамнуният билан эслайман. Сиз ижро этган роллар, янги спектакллар ҳақида, умуман, ҳаёт муаммолари тўғрисида қандай ёниб, қуйиб-пишиб гаплашардик, баҳслашардик...

Бугун қор ёғишини томоша қилиб ўтирар эканман, ич-ичимдан саволлар ёғилиб келмоқда. “Сўнги марта Малика қатнашган қайси спектаклни томоша қилдингиз? Шунча йиллар давомида унинг ижодида қандай ўзгаришлар бўлди? Кузатдингизми? Малика Ўзбекистон халқ артисти унвонини олишга муяссар бўлди. Бу ўз-ўзидан бўлмайдими?” Афсуски, бу саволларга менда аниқ жавоблар йўқ эди.

Тўғри, Сизнинг фаолиятингизни, ижодингизни умуман эсимдан чиқариб юборганим йўқ. Матбуот, телевидение орқали баҳоли имконият кузатдим. Турли ижодий давраларда Сизнинг маҳоратингиз, ижро этган ролларингиз ҳақида сўз кетганида суҳбатга қўшилиб, фикрларимни айтдим. Лекин, тан олишим керак, Сизни бевосита саҳнада кўрмаганимга кўп бўлди. Буни қарангки, аксига олиб кўча-кўйда ёки ҳар хил тадбирларда ҳам учрашмадик. Биламан, Сиз ўзингизни намоеён этишини, хозир кўпчилик, айниқса, санъаткорлар учун урф бўлган пиарни ёқтирмайсиз, турли наشرлару ижтимоий тармоқларда дамба-дам кўриниш беришни истамайсиз. Мен эса гўё жиддий ишлар билан банд бўлдим. Аслида ҳафсаласизлик, дангасалик, холос. Ўзимизни оқлашга баҳоналар топишга уста бўлиб кетганимиз-а. Нима, бир спектаклни томоша қилишга кетадиган кўпи билан икки-уч соат вақт топилмасмиди?

Шу ўй-хаёллар билан театрга отландик (келиминча ва неварам билан). Ҳамон қор ёғмоқда. Қиш чилласи бўлса-да, ҳаво совуқ эмас, ёқимли. Дарахтлар, бинолар оқ либосга бурканган. Жуда гўзал манзара. Талаба неварам Ҳадичага юзландим: “Қара, атроф қандай гўзал!” Ҳадича майин жилмайиб, тўғри, деган маънода бош ирғади. Ўзи шунақа у, камгап. Менинг руҳим энгил, кайфиятим кўтаринки. Очиғи, анчадан бери бунақа яхши кайфиятда бўлмаган эдим...

Ҳозир биз томоша қилиш учун бораётган спектакль Бертольд Брехт пьесаси бўйича қўйилгани учун хаёлларини шу ёзувчи ижоди томонга кўчди. Брехт нафақат немис адабиёти, умуман, жаҳон адабиётидан муносиб ўрин эгаллаган шоир, носир ва драматург. Ўн олти ёшидаёқ шеърлари, эсселари тилга тушади. 1918 йилда талаба-медиқ ва ҳарбий госпиталда санитар бўлиб ишлаётган йигирма ёшли Брехт “Марҳум аскар ҳақида афсона” шеърини ёзади ва катта шов-шувга сабаб бўлади. Орадан ўн беш йил ўтиб, гитлерчилар ушбу шеърини учун Брехтни Германия фуқаролигидан маҳрум қилади. 1933 йилда у Германиядан қиёб кетади. Ўн беш йилдан зиёд турли мамлакатларда яшайди.



1948 йил 22 сентябрда Берлинга қайтиб келади. Унинг асарлари асосан урушни қоралаш, уруш келтирган офатлар ҳақида.

“Шаддоод она ва унинг болалари” пьесаси Иккинчи Жаҳон уруши арафасида ёзилган. Ёзувчи бўлажак фожияни тасаввур қилгандай, ҳаёл кўзлари билан кўргандай таассурот қолдиради томошабинда. Асар мазмуни ва муаллиф гоёсига теранроқ ёндашилса, урушдан манфаат кўзламаслик, Гитлернинг ёвуз ниятидан эҳтиёт бўлиш бўйича немис халқига чақирик каби кўринади. Ҳар қалай, менда шундай таассурот уйғотди.

Шаддоод она - мураккаб образ. У ўғиллари Эйлиф, Швейцеркас ва бунг қизи Катрин билан харидоригр маҳсулотлар ортлган аравасини судраб юради. Уруш оқибатида ҳамма нарсасидан айрилган одамларга нарсаларини қиммат баҳода сотиб, бой бўлишни мўлжаллайди. Уруш бўлаётган жойларда бир неча йил юради аравасини судраб. Алаоқибат, бойлик орттириш ўрнига фарзандларидан айрилади - улар уруш қурбони бўлади. Уруш оддий одамлар учун ҳеч қачон бойлик келтирмаган, аксинча, азоб-уқубатга дучор қилган. Афсуски, Анна буни англаб етмайди, ўз оиласи бошига тушган қулфатлардан ҳам хулоса чиқармайди. Болалари ўлимга аслида ўзи сабабчи эканини ҳам тушунмайди. Шаддоод онанинг аянчли тақдирини томошабинда урушга нафрат уйғотади, уруш ортидан бойишни ўйлаган кимсаларга нисбатан ачиниш пайдо бўлади. Аннанинг очилмаган кўзи томошабин кўзини каттароқ очади, сабоқ беради. Ва тинчликни қадрлашга, асраб-авайлашга даъват этади

Малика, Сиз бу образни жуда қойилмақом ижро этдингиз. Аннанинг шаддоодлигини, ниёти эзгу эмаслигини, фожиясини очиб ташладингиз. Аммо она – барибир она-да, фарзандлари тақдирини бефарқ қараёлмайди. Тўғричи Эйлифнинг ҳаракатларидан ҳақли чиқади ва юзига шапалоқ туширади-да, яна дарҳол бағрига босади. Биргина шу деталда она меҳри намоеён бўлади.

Спектакль финали ниҳоятда таъсирчан. Уруш туфайли бойлик орттирмаган, деб сарсон-саргардон бўлган шаддоод она уч боласидан, бор-будидан айрилиб, аравани ёлғиз ўзи судраб кетади. Жуда теран, юракларни титратадиган маъно-мазмун бор бу ерда. Бу Брехт фалсафасини, унинг турли жанрда ёзилган асарият асарлари гоёсини, ижтимоий фаолиятини, муаллифининг урушга муносабатини ифодаловчи сўзсиз саҳнага ўхшайди.

Брехт асари ва шу асосда қўйилган спектакль бугунги кун учун ҳам долзарб. Дунёнинг турли минтақаларида бўлаётган воқеалар бу фикрни тасдиқлайди. Улғ шoirимиз Абдулла Орипов ёзганидек, “Тинч турарми бу кўнча олам, Тинч турарми доғули замон?” Шу маънода, Миллий театримиз ушбу спектаклни намойиш этаётгани диққатга сазовор. Ҳақиқий академик театрга мос спектакль бўлибди (таржимон Т.Турсунов, режиссёр Т.Исроиллов). Чунки ҳар қачонгидан кўра хушёр, сергак, огоҳ бўлиш талаб қилинаётган замонда яшамокдамыз. Қачон, қаердан ўт чиқишини ҳеч ким билмайди.

Спектакль икки соат давом этди. Шу вақт мобайнида шаддоод она, яъни Сиз, Малика, саҳнадан деярли чиқмадингиз. Бутун спектакль давомида тинмай ҳаракат, жон куйдириб папириш, кўмондон аскарлар билан баҳслашиш, уларга бўйин бермаслик, ўз фикрини ўтказиш... Булар учун ҳам руҳий,

ҳам жисмоний қувват керак. Диққат билан кузатдим, бирон жойда қоқилиш, адашиш, чалғиш бўлмади. Ҳар қалай, мен сезмадим. Аксинча, саҳнадан саҳнага шиддат қучайиб бораверди, Аннанинг шаддоодлиги янада тўлароқ намоеён бўлаверди. Бу Сизнинг маҳоратингиз, танлаган касбингизга, санъатга, хусусан, театр санъатига меҳру муҳаббатингиз, садоқатингиз натижасидир.

Яширмайман, спектакль бошланишидан олдин озгина хавотирим бор эди. Брехт асарлари мураккаб, психологик жиҳатдан кучли, уларда томошабинни ўйлашга, фикрлашга ундовчи образлар галереси жамланган. Бундай асарлар қаҳрамонлари қиёфасига кириш, унинг асл мақсадини томошабинга етказиб бериш юксак маҳорат талаб қилади. Қолаверса, Малика ҳам энди ёш эмас... Биз истаимизми-йўқми, йиллар ҳар бир инсонга ўз ҳукмини ўтказиши.

Спектакль туғалач, хавотирим ўринсиз эканини, иштибоҳларим ножоиз бўлганини сездим. Сиз ҳамон ўша-ўшасиз. Ўша шиддат, ўша фойдоиллик.

Гримхонангизга борганимда, буни янада яққолроқ кўрдим, сездим. Сиз шундай ҳолатда эдингизки, гўё ҳали спектакль давомида эмас-ю, Сиз саҳнадасиз. Гримхонада актриса Малика эмас, шаддоод она ўтирарди гўё. Мени кўришингиз билан бир сўз айтдингиз: “Ёқдимми?” Бундан қирқ йиллар олдин ҳам спектаклдан сўнг айтадиган гапингиз шу эди: “Ёқдимми?” Шу сўзингиз билан қирқ йиллар олдинги Маликани кўргандай бўлдим. Фақат бу сўзингиз эмас, кўринишингиз, кайфияту руҳиятингиз ҳам ўша-ўша. Ёшлик йилларидаги феълингиз ўзгармагани сезилиб турибди.

Сиз билан гаплашялману қулоғим остида буюк санъаткор Шукур Бурҳоннинг “Ваня тоға” телеспектаклида бирга роль ижро этиш жараёнида (у пайтда талаба бўлгансиз) Сиз ҳақингизда айтган “Бундан катта артис чиқади”, деган гулдирмадан овози эшитиларди гўё. Ҳозир қаршимдан ўша “катта артис” ўтирарди.

Буюк инсонлар адашмайди. Улар ёшларнинг ҳар бир ҳаракатидан, ҳар сўзидан, ўзини тутишидан келажагини тасаввур қила олади. Шукур Бурҳоннинг ўша гаплари Сиз учун оқ йўл, келажагингиз учун башорат бўлгандир балки. Сиз шу кунга қадар ҳар бир спектакль ва фильмда устоз башоратини оқлаб келмоқдасиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам санъатга, саҳнага, устозлар руҳига хиёнат қилмадингиз. Машҳурлик, “юлдуз”лик касалига чалинмадингиз. Зийрак томошабин ўзи билиб олаверди ким қанақа санъаткор эканини...

Театрдан чиқар эканман, шунча йиллар давомида Сиз қатнашган спектаклларни, Сиз ижро этган ролларни кўрмаганимдан яна бир бор афсус чекдим ва шу йиллар ичидан жуда кўп маънавий бойлиқдан бебаҳра қолганимга амин бўлдим.

Шу ўй-хаёллар билан кўчага чиқдим. Қор тинган. Шаҳар оппоқ либосда ниҳоятда гўзал эди. Менинг кайфиятим ҳам шунга мослашди...

Уша куним, хусусан, ўша кеча ҳаётимдаги энг мазмунли, унутилмас кунларимдан бўлди. Бунинг учун Сизга катта раҳмат!

Арқонингиз зуғни, гапингиз қисқаси яхши, дейдилар. Шу ерда хатимни тугатаман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, ҳаммиша яхши кайфиятда юришингизни тилайман. Янги-янги роллар кутамиз Сиздан! Омон бўлинг!

Чексиз эҳтиром билан, муҳлисингиз
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ



ОЛАМ ОЛИМИ

Герти Тереза КОРИ

углеводлар алмашинуви сирларини очган нобелчи



1901–2025 йилларда Нобель мукофоти билан 67 нафар аёл тақдирланган бўлиб, 30 нафари айнан илм-фан йўналишида. Улар орасида қаҳрамонимиз ажралиб туради.

БИОГРАФИЯ

Герти Тереза Кори 1896 йил 15 августда Прага шаҳрида таваллуд топган. Зодагон оила қизи аввал уйда таълим олади, кейин табиий фанларга ихтисослашган қизлар гимназиясида ўқийди. Олий таълимни тиббиёт бўйича тугатади.

Университетда бўлажак турмуш ўртоғи Карл Кори билан танишди. Таҳсил даври Биринчи Жаҳон уруши туфайли оғир шароитда кечди, ammo илгари иштиёқ ёшларни тиббиётга янада яқинлаштирди, ўзаро муносабатларини синовдан ўтказди. 1920 йилда улар турмуш қурди ва икки йилдан кейин сиёсий беқарорлик ва иқтисодий қийинчиликлар сабабли АҚШга кўчиб ўтди. Шу ерда энг муҳим илмий кашфиётлари амалга ошди.

КОРИ ЦИКЛИ

Олимнинг илмий ишлари углеводлар алмашинуви-га бағишланган бўлиб, у гликогеннинг организмда қандай парчалангани ва қайта синтезланишини молекуляр даражада тушунтириб берди.

Гликоген – инсон ва ҳайвон организмидagi углеводларнинг асосий захираси. У минглаб глюкоза молекулярларидан ташкил топган мураккаб занжир бўлиб, асосан, жигар ва мушакларда тўпланади. Қонда қанд камайиб кетса, организм захирадagi гликогенни парчалаб, глюкозага айлантиради ва қувват сифатида ишлатади.

Герти Кори мана шу жараёни кашф этди ва илмий тушунтириб берди. Унинг шарафига бу айланма ҳаракат Кори цикли деб фанга киритилди.

Жисмоний ҳаракат пайтида мушаклардаги гликоген парчалангани ва энергия беради. Бу жараёнда қолдиқ махсулот сифатида сут кислотаси (лактат) ҳосил бўлади. Лактат мушаклардан қонга ўтади ва жигарга боради. Бу ерда қайта ишланади ва глюкоза ҳосил қилади. Цикл охирида ушбу глюкоза мушакларга қайтади ва гликогенга айланади. Жараён организмнинг энергия мувозанатини таъминлайди.

САЛОМАТЛИК УЧУН АҲАМИЯТИ

Герти Кори глюкозо-1-фосфатни ажратиб олди (кейинчалик “Кори эфери” деб аталган). Шунингдек, у гликоген фосфорилизаси ферментини чуқур тадқиқ қилди ва гликоген тўпланиш касаллиқларининг биокимёвий сабабларини аниқлашга катта ҳисса қўшди. Бу ишлар замонавий эндокринология ва метаболлик касаллиқлар биокимёсининг ривожланишига асос бўлди.

Олимнинг тадқиқотлари диабет, гипогликемия ва ирсий гликогеноз касаллиқларини тушунишда янги санифий ошди. Унинг илмий ишлари энергия алмашинуви бузилишлари билан боғлиқ касаллиқларни ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Бугунги кунда метаболizm, спорт тиббиёти ва клиник биокимё соҳаларида қўлланаётган кўплаб назарий тушунчалар айнан унинг тадқиқотларига таянади.

ЭЪТИРОФ

Физиология ва тиббиёт бўйича Нобель мукофоти таъсис этилганидан сўнг қарийб ярим аср хотин-қизлар бу йўналишда тақдирланмади. Ниҳоят, 1947 йилда бу “қонда” бузилди ва “гликогеннинг каталитик айланиши жараёнини кашф этгани учун” Герти Кори лауреатлар сафидан жой олди.

Унинг яна бир ютуғи – илм-фанда аёллар камситилишини энгилб ўта олганида. Уша пайтда АҚШнинг кўплаб университетларида эр-хотиннинг битта кафедрани ишлатиши тақиқловчи ички қоидалар бўлган. Шу сабабли, Карл Корига нуфузли лавозимлар тақлиф қилинганда, Гертига фақат паст маошли техник ходим бўлиш шарти қўйилган, унга профессорлик макомини беришдан бош тортишган. Узоқ йиллар у тенг меҳнат қилишига қарамай, амалдаги тартибдан 10 баравар кам маош олган.

Кўп ҳолларда уларнинг биргаликдаги кашфиётлари фақат “Карл Корининг иши” деб талкин қилинган. Фақат Нобель мукофотини олганидан кейингина, Вашингтон университети Герти Корига расман профессор унвонини беришга мажбур бўлган.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

МОЗИЙДАН САДО

1924 йил 21 августда Янги Урганч шаҳри яқинидаги Чолиш гузаридан кичик бир кема дарё бўйлаб Орол денгизи томон сузиб кетди. Кемада Хоразм шўролар республикаси (жадидларга эргашган “Ёш хиваликлар” томонидан 1920 йилда тузилган Хоразм Халқ Республикаси турли фитналардан сўнг 1922 йилда янгича ном олган) марказий кенгашининг 1924 йил 12 августда тузилган ўқишга юбориш комиссияси томонидан танлаб олинган ёшлар бор эди. Мазкур комиссияга Афзал Тоҳирий раислик қилган. Комиссия таркибиде кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсининг биринчи раиси бўлагидан Раҳмат Мажидий сингари жадид ҳаракати етиштирган воҳалик иқтидорли ёзувчи ва зиёлилар бор эди.

Ўқишга йўл олган ёшлар икки гуруҳга бўлиниб, биринчисига Муллаёров, иккинчисига Одамов раҳбар қилиб тайинланди. Танлаб олинганлардан 40 нафари Москвада, 10 нафари Қозонда, 110 нафари Тошкентдаги олий ва ўрта ўқув юрларида таълим олиши керак эди. Улар орасида етти нафар хотин-қиз ҳам бўлган. Биринчи гуруҳ кичик кемада гузардан сузиб чиқиб, Орол томонга йўл олади ва қирқ беш чақиримлар сузмасдан, дарё қирғоғида қуролли кишилар пайдо бўлиб, уларни таъқиқ қила бошлади. Дарғанин шошилинича бошқарувни йўқотиши оқибатида кема Хўжайлига яқин ерда саёз жойга ўтириб қолади ва йўлтўсарлар қўлига тушади...

ХССР ҳукумати Хўжайлидаги ҳарбий нозир ўринбосари Миркомил Миршарофова зудлик билан кемага ҳужум қилган ва қирқ нафар кишини асирга олган гуруҳни излаб топши бўйича шошилинича юборди. Тезкор қидирув давомида дарё соҳилидаги қамишзордан ўн етти йигитнинг жасади топилади. Кейин йўлтўсарлар қўлида бўлган тўрт хотин-қиз икки минг танга бадалига озод қилинади. Беш кишининг жасади топилабди. Бу воқеа 1924 йил 24 август кунини содир бўлади.

Ҳарбийлар сая-ҳаракати билан йўлтўсарлардан икки нафари қўлга олинади ва Хивага олиб келиниб, Қўҳна Арк олдида тўпланган одамлар олдида очик суд қилинади. Кейинчалик қалъада “Маърифат қурбонлари” номли ёдгорлик мажмуаси яратилади. Воқеа тафсилотларини ўрганиш бўйича тузилган ҳукумат комиссияси шу билан “иш”ни ёлади. Комиссия якуний хулосасига қирмаган кўпгина ҳолат ва вазиятлар ҳақидаги ҳақли саволларни берадиган ва уларга жавоб излайдиган бирор масъул топилмади.

Орадан ўттиз йил ўтган, худди шу номдаги драма вилоят театрида қайта-қайта қўйилади. Шоирлар бу ҳақда достойн ва шеърлар ёзади, ҳужжатли фильм ҳам суратга олинади. Бу асарларда асосий ургу воҳа билан қўшни ҳудудда яшовчи бошқа миллат вакилларига “босмачи”, “маърифат кушандаси”, “янги ҳаётни кўролмайдиган аламзада кимсалар” каби тамгалар босишга қаратилган. Гўёки, советлар асрий қолақ халқ фарзандлари илм олиши учун шарт-шароит яратиб берган, лекин айрим диндорлар ва аламзадалар бунга тиш-тирноғи билан қарши бўлган.

Туркистоннинг чекка худуди ҳисобланмиш Хоразмдан илм олишга чанқоқ ёшларни Европа олий ўқув юртиларига ўқишга юбориш ҳаракатлари 1905 йиллардан бошланган ва бу иш бошида жадидлар турган. Ҳали Хоразм Халқ Республикаси ташкил қилинганига қадар ўтган ўн беш йиллик даврда воҳалик эллиқдан ортиқ ёшлар Қозон, Оренбург, Истанбул каби шаҳарларда таҳсил олиб қайтган ва улар янги тузилган республика ҳукумати таркибиде масъул вазифаларга тайинланган. Жадидлар таълим олишга юборган ёшлар орасида хотин-қизлар ҳам анчагина эди. 1924 йилда бир гуруҳ ёшларни бошқа ўлкаларга ўқишга юбориш ташаббусори бўлган Раҳмат Мажидий, Қурбон Берегин ва бошқалар айни жадидлар бошлаган эзгу амалиёт

ЖАҲОН АЙВОНИДА

УРУШНИНГ МОЛИЯВИЙ ЗАРАРИ



АҚШнинг Эрон билан уруши Америка иқтисодиётига 210 миллиард долларга зарар етказиши мумкин. Бу ҳақда Уортон мактаби профессори ва молиявий таҳлилчи Кент Сметтерсга таяниб, The Independent хабар берди.

Кент Сметтерс прогнозларига кўра, ҳозирда иқтисодий йўқотиш 115 миллиард долларни ташкил этади, ammo бу кўрсаткич жоҳаронинг табиати ва давомийлигига қараб 210 миллиард долларга етиши мумкин.



туфайли узоқ шаҳарлардаги нуфузли даргоҳларда таҳсил олган ёшлар вакиллари бўлган.

1924 йилнинг ёзи адоғида рўй берган қонли воқеага нима ва қилар сабаб? Советлар узоқ йиллар байроқ қилиб келган “маърифат қурбонлари” фожиасининг туб сабаблари қаерда? Бу фожиага алоқадор барча шахслар жавобгарликка тортилганми? Шу ва бошқа саволларга мустақиллик мафқурасидан келиб чиқиб жавоб излаймиз ва топамиз ҳам.

Хива хонлигининг бошқа худудлар билан борди-келдисида Амударё кемачилиги катта аҳамият касб этган. Орол денгизидан Туркманистоннинг Чоржўй шаҳрига қилинган деярли саккиз ойида - дарёда сув тўла оққан даврда кемалар мунтазам қатнаб турган. 1880 йилда Тўртқўлда Амударё флотилияси ташкил қилинади ва кейинроқ кемаларни бошқарадиган дарғалар курси ҳам очилади. Йигирманчи аср бошларига келиб, Амударё флотилияси илкида юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатадиган каттаю кичик кемаларнинг сони икки юз эллиқтадан ошиб кетганди. Бу кемалар воҳада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет давлатларга чиқариш ҳамда четдан келатган юкларни манзилларга тез ва беталофат етказишда қадимдан қолган туя қарвонларига кўра анча самарали ва тезкор эканини амалда исботлаб берганди.

Уша йилларда Урганч яқинидаги Чолиш гузаридан Чоржўйга йўл олган кема узоғи билан бир ҳафтада манзилга етарди. Бу йўл нисбатан тинч ва бехавотир ҳисобланарди. Йўловчилар Чоржўйга ў енга темир йўл орқали Тошкентга ёки Қозонга қадар орқали Европага бемалол етиб олишлари мумкин эди. Бундан ташқари, воҳадан дарё орқали Орол денгизи соҳилидаги Оролск дарё гузарига ҳам мунтазам қатновлар амалга оширилган. Нима учун Тошкентга кетаётган қирқ нафар ёш Чоржўй йўналишини эмас, анча узоқ ва хатарли Оролск йўналишини танлади? Фожианин илдизини шундан излаш керакми?

Масъуллар августда дарё тошган кезде кемаларни дарё юқорисига - оқимга қарши ҳайдашдан кўра оқим кучи билан қуйига ҳайдаш осон кечади, деб ўйлашади. Шу ерда ҳақли савол туғилади. Урганч яқинидаги гузардан Чоржўйга тўрт юз чақирим. Оролск гузарига эса уч юз чақиримга яқин. Оролск гузариде кемадан тушган ёшлар Тошкент ва бошқа шаҳарларга қайси транспортда етиб олишлари керак эди? Албатта, фақат кемаларда, яъни Сирдарё орқали. Уша даврда Сирдарё ҳам ёз ойларида тўлиб оққан. Шундай экан, Сирдарёда оқимга қарши икки хисса кўпроқ йўл босиш гоёси кимдан чиққан?

Энг ажабланишли томони, 160 нафар талаба Раҳмат Мажидий кузатганидан сўнг икки кемада йўлга тушиши керак эди. Аммо Машариф Полвонов деган киши Раҳмат Мажидий келишини кутмасдан кичикроқ кема ёллаб, қирқ нафар ёшни асосий гуруҳдан бир кун олдин йўлга тушишга кўндиради ва гуруҳ

йўлтўсарлар қўлига тушади. Бир кун кейин йўлга тушган бир юз ўн нафар ёш манзилга бемалол етиб олади. Қолаверса, иккинчи гуруҳ аъзоларига ҳар эҳтимолга қарши ўзларини химоя қилиш учун қурол ҳам ажратилганди. Эслатиб ўтиш жоиз, 1924 йил октябрда ўқишга юборилган ёшлар тушган кемаларни қуролли аскарлар манзилгача кузатиб борган.

Бу фожиа, аслида, ўша вақтда ҳукумат тепасида ўтирган масъулларнинг хатоси туфайли содир бўлган. Улар нисбатан яқин ва хатарли “Урганч-Чоржўй” йўналиши қолиб, узоқ ва хатарли “Урганч-Оролск” йўналишини танлайди. Яна ҳар икки гуруҳ учун масъул бўлган шахслар ўз вақтида Чолиш гузарига етиб келмади. Бунинг устига, бир гуруҳ ёшлар шохқалоқлик қилиб, масъуллар рухсатисиз йўлга отланди.

1924 йил - ҳукмдор ва тарихчи Абдулғоий Баҳодурхон таъбири билан айтганда, “юрт бузулган давр” эди. Хоразм Халқ Республикасини ташкил қилган “Ёш хиваликлар” ўтган тўрт йилда кўп савдоларни бошидан кечирди, шу даврда ўн тўрт марта ҳукумат алмашди. Янги республика бошида турганларнинг қанчаси қатағонга, қанчаси қувгинга учради. Бу фитналарга советлар бош бўлиб, ўзлари мажбуран янгича оламга қўшган республика тепасига тажрибасиз кадрларни қўйди. Бу кадрлар орасида ҳам ўзаро иноқлик йўқ эди, ҳар ойда қайсидир нозирликда раҳбар ўзгарар, эски нозир ё хибсага олиниб, ё қувгинга учраб, у танлаган кадрлар ҳам кўчага ҳайдалиб, ўрнига лаёқатсиз кимсалар қўйиларди. Каттагина худуд ва бир миллионлик аҳолининг иқтисодий-ижтимоий муаммолари учун масъул қилинган айрим кадрларнинг саводи ҳаминқадар бўлиб, улар ҳатто имзо чекишни билмасди.

Жадидлар таъсирида тузилган республика ҳукумати тепасида турган иқтидорларнинг аксари хориж олийгоҳларида таҳсил кўрган, дунё сивъатидан боҳабар, маъмурий бошқарув ҳадисини олган кишилар эди. Айни шу инсонлар даврда узоқ юрларга таҳсил олиш учун юборилган ёшлардан бирортасининг бир тала сочи тўқилмагани ҳолатини айнан бошқарувдаги кадрлар тизими мукамал бўлганидан десак, хато қилмаган бўламиз.

Яна бир жиҳат, 1924 йил 10 августда Туркистон Республикасини маъмурияти томонидан Хивага “Янги ўқув йили бошланиш вақти оз қолгани сабаб, тезкор ўқишга иштиёқманд ёшларни топши ва жўнатиш” тўғрисида шошилинича юборилади. Шошилиничада юборилиши керак бўлган ёшлар сони ва улар қайси касбларга ўқитилиши кўрсатилгани ҳолда, уларни қандай улдовда, қайси йўлдан ва бехатар юбориш ҳақида бир оғиз гап йўқ. Бундан масъулларни фақат сон ва тежорлик қизиктирган, деган хулосага келиш мумкин. Хива шаҳрида ўқишга кетаётган ёшлар шарафига дабдабали кузатув маросими ташкил қилиниб, унда қалъадаги гарнизон аскарлари саф торттиб ўтган. Тадбирдан сўнг аскарлар

таяниб, Al Jazeera хабар берди.

Вазирлик биринчи марта тўртта давлат фуқароларига “визалар учун фавқулдовда чеклов” қўлланганини таъкидлади. Бу қарор ўқув визаси билан келган талабалар орасида бошлана сўраш кескин ортгандан кейин қабул қилинган.

АҚШГА “ЙЎҚ” ДЕДИ



Испания бош вазир Педро Санчес Якин Шарқдаги ҳарбий кескинлашувларга “кўр-кўрона ва қўлнамо” эргашини қатъий рад этиб, Исроил, АҚШ ва Эрон ўртасида зудлик билан ўт очишни тўхтатишга қайтди.

АҚШнинг X ижтимоий медиа платформасида эълон қилинган видеомурожаатида Санчес Испаниянинг позицияси “урушга

ётоқларига қайтган, ёшларни, ҳеч бўлмаса Чолиш гузаригача кузатиб бориш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган.

Хўжайли яқинида дарё қирғоғида ёшлар тушган кемани қутиб турган қуролли гуруҳни “осон ўлжа”дан ким оғохлантирган бўлиши мумкин? Бу савол ҳам мазкур фожиа тафсилотларини ўрганиш учун тузилган ҳукумат комиссияси эътиборидан четда қолган. Атайлабми? Балки, Яна, мўмай пул эвазига қирқ нафар ёшни манзилга элтишга ваъда берган, ammo йўлтўсарлар қаршида илоқсиз қолиб, қайиқни дарё ўртасидан ҳайдаш ўрнига (йўлтўсарлар дарёнинг бир қирғоғида қутиб турган, қўрқитиш учун узоқдан ўқ узган, ammo масофа узоқлигидан отган ўқлари бесамар кетган) қирғоққа яқин ҳайдаган кема дарғаси нега жавобгарликка тортилмаган?

160 нафар ёш дарё орқали Орол денгизига дарё гузарига сузиб бориши ҳақидаги маълумотни ким етказган? Бир кун олдин рухсатсиз кичик кемада йўлга чиққан гуруҳ ҳақида ким хабар берган? Бу ишни дарё ёқасида қўй боқиб юрган чўпон қилган десак, ўзимизча эртақ тўқиган бўламиз. Демак, ўша вақтда ҳукумат ичида янгича тузум ва тепадаги раҳбарларга қарши кишилар бўлгани аниқ.

Балки бу иш олдиндан советларнинг махфий хизмат ходимлари томонидан пухта режа қилинганми? Бундай тўхтама келишимизга сабаб, ҳали ҳамон воҳада советлар қарши турли кўчалар қаттиқ қаршилиқ қилаётган, Жунайдов қаттида юртни химоя қилган ватанпарвар йигитлар қуролларини ташламаганди. Улар советлар хизматига ўтган фаолларни, кичикроқ қалъаларга босқин уюштириб, совет ҳокимияти қўйган вакилларни маҳс қиларди. Қаршилиқ ҳаракати су-саймагани сабабли, Тошкентдан Миркомил Миршарофов бошлиқ каттагина қўшин келиб, Хива ва бошқа катта шаҳарларда гарнизонлар ташкил қилганди. Шундай таҳликали замонда қўриқчиларсиз кеманин дарёда бемалол сузиши мумкинми? Йўқ, албатта!

Буни қарангки, ўша фожиадан омон қолган гувоҳлар кейинчалик ўз хотирларида кемада бор овозда қўшиқ айтиб боришгани ҳақида ёзишган. Яратилган саҳна асари ва бошқа бадиий-ҳужжатли қиссаларда ҳам асосий ургу “элни озод қилган шўроларга шон-шарафлар” мазмунидаги қўшиқларга қаратилади.

Ҳаёлимиздан советлар бу фожиани атай уюштирган, шу орқали илм олишга ҳавасманд ёшларни қатл қилишдан қайтмайди-кан, эски тузумни соғинган кишилар ҳалиям бор, уларга қарши шафқатсиз курашимиз керак, деган тушунчани одамлар онгига қўйган бўлишлари мумкин-ку, деган фикрлар ўтади. Воқеалар ривожига ва ундан кейин рўй берган ҳолатлар бу фикримизни тасдиқлайди. Воҳада қаршилиқ ҳаракати вакиллари ва уларнинг оила аъзолари шафқатсиз қириб ташланади. ХХРни тузган ва унинг биринчи раҳбари бўлган Бобооҳун Салимов лавозимдан кетиб, Гурландаги ота уйда тинчгина яшаётган бўлса-да, 1926 йилнинг бир тунида “қизил таёқ”лар томонидан отиб кетилди. “Маърифат қурбонлари” жаллодларини топишда жонбозлик қилган М.Миршарофов, М.Қариев ва бошқалар бошига ҳам қатағон қиличи тушади.

Яна бир аччиқ ҳақиқат бор. “Маърифат қурбонлари” упулгана бошлаган кезларда бошқа кемада манзилга соғ-омон етиб, турли даргоҳларда таҳсил олиб қайтган ёшларни ҳам 1937 йил қатағони ўз домига тортиб кетган. Бундан келиб чиқадикки, агар ўша йигирма икки нафар йигит йўлтўсарларга учрамаганида ҳам, вақт келиб қароқчилардан баттар бўлган НКВДчилар қўлига тушиши аниқ эди. Мантиқ қани?

Яқин тарихимизнинг советлар миямизга қўйган бир асрлик ёлғонига ҳаққоний баҳо берадиган вақт келди. Шундай дейимиз-у... Икки йил аввал воҳада чоп қилинган жадидлар ҳақидаги китобда “маърифат қурбонлари”га оид эски гаплар яна такрорлангани ушбуни ёзишга мажбур қилди.

Рўзимбой ҲАСАН

қатъий равишда қарши” эканини маълум қилди.



ЎЛИМ МАШИНАСИ

Италияда беш нафар беморни ўлдирганлиқда гумонланган тез ёрдам машинаси ҳайдовчисига жиноий иш очилди. Бу ҳақда маҳаллий прокуратура маълумоти-га таяниб, CNN хабар берди.

2025 йил февралдан ноябргача айнан бир ҳайдовчи ташиган тўрт нафар бемор вафот этган. Бу эса тез ёрдам хизмати ходимларида шубҳа уйғотган.

Шундан сўнг Италия полицияси билан ҳамкорликда тез ёрдам машинасига яширин камера ва ёзиб олиш қурилмалари ўрнатилган. Кейинчалик ҳайдовчи ташиган 85 ёшли аёл ҳам юрак касаллиқлари шифохонасидан реабилитация марказига олиб кетилаётганда вафот этган.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ҚОР ҚҮЙНИДАГИ ЛОЛАЛАР

“1937-1938 йилларда қатагон қиличининг ўттириги аёлларимизнинг дур ва марварид шодалари безаб келган нозиккина бўйинларига ҳам қадалган эди”, деб ёзади академик Наим Каримов ўз тадқиқотларида. Дарҳақиқат, аёллар қисмати гоъят аянчли эдики, улар бошига ёғдирилган кулфатларни кўз олдимиғизга келтиришимиз қийин. Турма ва лагерларда турли азоб-укубатларга гирифтор этилган “халқ душманлари”нинг хотинлари, Чўлпон таъбири билан айтганда, ўша мудҳис даврнинг қор қўйнидаги лолалари эди.

1938–1946 йилларда Шимолий Қозоғистоннинг Қарағанда худудидаги “АЛЖИР” (“Ақмолинский лагеръ жён изменников родины”) лагериде “Ватан хоинларининг оила аъзолари” сифатида олти ярим минг нафар аёл жазо ўтагани архив ҳужжатларида қайд этилган. Бу рақам оддий статистик маълумот эмас, туркистонлик минглаб аёлнинг изтиробли қисмати очиклайди. Улар отасининг, умр йўлдошининг “айб”и учун жазо ўтагани етмагандек, фарзандларидан ҳам жудо этилган, узоқ ўлкаларда оғир меҳнат шароитида яшашга мажбур бўлган.

Аламлиси, қатагон қамрови аёллар билан чекланиб қолмай, уларнинг болаларига ҳам чанг солган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январгача Иттифок бўйича 25 минг 342 нафар бола оиласидан ажратиб



турмуш ўртоғи, журналист **Собира Холдорова** билан битта лагерда бўлган. Еки Андижон округ партия ташкилотининг собиқ котиби Уринбой Ашуров қатагонга учраб оти ташланган, рафиқаси **Кимёхон Ашурова** 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Красноярск ўлкасига юборилган. У Енисей дарёси бўйида бир чол-кампининг уйида жон сақлаб, 1942 йили 33 ёшида она юртига қайтиб келган.

Бошқа бир ҳадид – 1938 йил 4 октябрда отувга ҳукм қилинган миллат зийлиси Абдулҳай Тожиёвнинг хотини **Тожиёхон Аҳмедова** эса Мордва ва Карело-Фин автоном республикасида

бошлади. 1990 йил сентябрь ойида Бухоро давлат университетиде катта илмий анжуман бўлиб, унда Вилоят Хўжаева ҳам иштирок этганди (ўша вақтдаги институт ректори, профессор Фарход Қосимов ҳамда илмий ишлар бўйича проректор, профессор Сулаймонжон менинг яқин дўстларим, маслақдошларим бўлиб, қатор асар ва мақолаларни биргаликда ёзгандик. Шу боис, ўшанда Вилоят Хўжаева билан кўришиб, суҳбатлашиб шарафига муваффақ бўлганман. Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мақолаларим ҳамда китобларимда баҳоли қудрат ёритиб келмоқдаман).

Оқридаги сингари мудҳис қисматлар қатагон йилларида юзлаб, минглаб тақдорланган. Жумладан, 1917 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган **Ҳабиба Алиева** “ижтимоий хавфли унсур” сифатида, бандитлар гуруҳи томонидан режалаштирилган кироли босқин тўғрисида биланликда айбланиб, 1937 йил 20 августда 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Бойсун тумани Гулҳаким қишлоғида 1903 йили туғилган **Дано Холмўминова** эса босмачилик ҳаракати иштирокчиси сифатида қайд этилган. 1934 йили колхоз молини йўқотгани учун олти ойга мажбурий меҳнатга тортилган бу аёл ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси эди. Кейинчалик унга аксилинқилобий исёнкор ташкилот аъзоси, бойсун бўлимидаги ноқонуний йиғинлар иштирокчиси деган айб қўйилиб, 1938 йил 4 февралда 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм чиқарилган.

Кўнра Урганчининг Қўйли қишлоғида 1895 йилда туғилган **Жамила Ражабова** аксилинқилобий кўпорувчилар гуруҳининг иштирокчиси, шунингдек, ўз босмаси колхозга қарашли пахта омирининг ёқиб юборишга мажбур этганликда айбланиб, 1938 йил 7 февралда отувга ҳукм қилинган. 1912 йили туғилган, Хўжайли туманида яшagan **Ойгул Ширмонова** ҳам шу каби айбловлар остида жазога тортилган. Унинг турмуш ўртоғи аксилинқилобий фаолиятда айбланиб оти ташланган. Узи эса ҳибсга олинган пайтда тайинли юмушга эга эмас эди. Жамила Ражабовага эгандай бўхтонлар ёғдирилган бўлса, унга ҳам айнан шундай ҳукм ўқилиб, бир кунда отувга ҳукм этилган.

Англишладикки, қатагон сиёсати турли ҳудуд ва ижтимоий қатлам вакиллари кўраб олган. Бу ҳолат Фаргона вилояти архив материалларида ҳам яққол намоён бўлади. Жумладан, Фаргона шаҳар бўлими тақдим қилган 4150-сонли иш бўйича **Жонгулбиби Тўхасинова** (1874 йили туғилган, руҳоний, эшон оиласидан бўлган) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилиниб, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Унга эшон кўрсатмаси билан диний йиғин ўтказиш ниқобида ўзбек аёлларини тўплаб, улар орасида аксилинқилобий ва миллатчилик тарғиботи олиб борганлик айби қўйилган.

Шу даврда 1904 йили Қўқон яқинидаги Қорамулла қишлоғида туғилган **Тўпани Тожиёева** ҳам қатагон тегиригидан четда қолмаган. Собиқ аёлларини тўплаб, улар орасида аксилинқилобий ва миллатчилик тарғиботи олиб борганлик айби қўйилган.

аввал судланган, “жазо муддатини ўтамай қочган” бу аёл ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси эди. Кейинчалик унга колхоз интизомини бузишга қаратилган тизимли аксилинқилобий тарғибот олиб борганлик айби қўйилиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди асосида 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм чиқарилган. Жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган.

Қатагон сиёсатининг қамрови фақат “ижтимоий ёт унсурлар” ёки қишлоқ аёллари билан чекланиб қолмаганини **Тожиёхон Шодиева** тақдирини кўрашимиз. 1905 йили Фарғона шаҳрида ишчи, шахтёр оиласида туғилган бу аёл 1928 йилгача комсомол аъзоси бўлган. 1930–1933 йиллари Москва шаҳрида марксизм-ленинизм курсини тамомлаган. Шунингдек, Хоразм Компартияси Марказий Комитетиде инструктор (1921–1922), Қўқон шаҳрида област партия комитетининг хотин-қизлар бўлими мудариси (1923–1925), Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде хотин-қизлар бўлими мударининг ўринбосари (1926–1930) бўлиб ишлаган. Анча йил партия ва давлат идораларида масъул лавозимларда фаолият юритган, марказий ўқув юртларида тахсил олган бўлса-да, у ҳам қатагон тўлқинидан четда қолмаган. 1937 йил 2 июнда ҳибсга олинган, 1938 йил октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Тошкентда ўтган сайёр сессияси қарори билан 10 йил қамок жазосига ҳукм қилинган.

Маълумки, “Катта террор” қурбонлари орасида совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш олиб борган “босмачи”, “қўрбоши”, “лашкарбоши”, “жадид” ва “саркарда”ларнинг оила аъзолари, жумладан, аёллари ҳам бўлган. Бу ўринда машҳур лашкарбоши Шермухаммадбекнинг аёли **Солияхон Маъмурованин** фожиали тақдирини эслаш жоиз. 1937 йил 4 декабрь кунини давлат хавфсизлиги сержанти Лебедев қарори билан ҳибсга олинган Солияхон 1900 йили туғилган, миллати ўзбек, бойнинг кизи, партизани эди. Турмуш ўртоғи Фарғона водийсида донг таратган, ўша пайтда Афғонистонда муҳожирликда яшайётган қўрбоши Шермухаммад халқ орасида Кўршертат номи билан танилган. Ҳибсга олинган пайтда Солияхон “Пахтақайнар” колхоз аъзоси эди.

Тергов биринчи навбатда унинг оиласи ҳақида сўроқлардан бошланади. У ўз кўрсатмасида дейди: “Акам Маъмуров Мамадали 1922 йилда Афғонистонга аширин тарзда ўтиб кетишга уринган пайтда қизиллар томонидан ўлдирилган. Иккинчи акам Маъмуров Маҳмуд қаерда эканини билмайман. Қишлоқдошлар гапларига кўра, Тожикистон НКВД-си томонидан қамокка олинган”. Бу маълумотлар тергов ҳужжатларида унинг “шубҳали муҳит” билан боғлиқлиги сифатида қайд этилади.

Терговчининг айблов хулосаси Солияхон Маъмуровага нисбатан тўхматларга тўла эди. Гўёки у аввалдан совет ҳокимиятига қарши кайфиятда бўлган, деб кўрсатилади. Тоғаси Холиқов орқали эри билан хат ёзиш тургани таъкидланади. Ҳужжатларда у Холиқов ёрдамида ўз бўмларини сотиб, ақаси орқали Афғонистонга

– эри олдиға ўтиб кетишга урингани қайд этилади. Аммо ақаси қамокка олингани сабабли бу режа амалга ошмай қолгани ёзилади. Шундан кейин у қишлоққа қайтиб, “Пахтақайнар” колхоз аъзолари орасида ифвогарона миш-мишлар тарқатган, деган айб илгари сурилади.

Айбловда Солияхон колхозчиларни кўрқитиб: “Сиз ўзбеклар европача костюм ва фурашка кийиб, ўзбеклар дини ва урф-одатларига иснод келтирмоқдасизлар, тез орада эрим Кўршертат келиб совет ҳокимиятини йўқ қилади, шунда у сиз ўзбекларга руслар кийимларини кийиб юришни ва ўзбеклар урф-одатларини эздан чиқармасликни кўрсатиб қўяди”, дегани қайд этилган. Шу асосда у ЎзССР Жиноят кодексининг 61-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилиб, иш Тошкентга, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”га юборилади. 1937 йил 7 декабрда “учлик” 13650-сонли иш бўйича қарорини айтади. Солияхон Маъмурова 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм



Тожиёхон Шодиева

қилиниб, жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланади.

Солияхон Маъмурова жазони аввал Тошкентдаги Урта Осие лагерига ўтайди, сўнг Киров вилоятидаги Вятский меҳнат-тузатув лагерига этап қилинади. Махбус 1939 йил 15 майда лагердан туриб ЎзССР Олий Советига афв сўраб ариза йўллади. Унда ўз бошидан ўтган воқеаларни баён этади ва айбсизлигини таъкидлайди. Жумладан, аризада шундай ёзади: “Фарғонаниннг Тошлоқ райони Заркент қишлоғидаги “Пахтақайнар” колхозида колхоз аъзосиман, колхоздаги маъмурий ишлар туғашу билан Қўрғонтепа районидеги туғишган опамниқига борганман, уникида бир ой бўлиб, яна уйга қайтиб келганимда, мени уйга қўймай, дарҳол қамокка олишган, бир неча кун Фарғона тумрасида мени эрининг олдиға қочмоқчи бўлган деб теврегов қилишган. Уша пайт кўлимда 5 йиллик паспорт бўлган, ҳеч қандай танбех олмаганман, чегарага яқин ҳам қарамай, еумонлашиб, 14 ой мобайнида Фарғона тумрасида ётдим... Мен лагерда бўйин товламасдан ишламоқдаман, маъмурий жазога тортилмаганман. Социалистик интизомнинг барча қоидаларига итоат қилмоқдаман. Менинг ишмини текшириб чиқишини ва озод қилишни комиссия аъзоларидан илтимос қиламан”.

Ушбу муножаат асосида Солияхон Маъмурова иш қайта кўриб чиқиш учун Фарғона вилояти Тошлоқ ички ишлар бўлимига юборилиб, қўшимча текширув-тергов ҳаракатлари олиб борилади. Бироқ 1940 йил 31 декабрда вилоят ички ишлар бошқармаси “учлик” қарорини ўз кучида қолдиради. Шу тариқа, Солияхон Маъмурова томонидан ГУЛАГнинг Вятский лагеридан йўлланган афв этиш ҳақидаги ариза ижобий ҳал қилинмайди. Унинг кейинги тақдирини ҳали аниқланганича йўқ...

Ўзга юртлардаги қамқоналарда махбусликнинг бешафқат кунларини ўтказган аёллар қанча! Улардан айримларининг номи архив саҳифаларида сақланиб қолган бўлса-да, кўпининг тақдирини ҳануз илмий тадқиқотларга муҳтож. Тарих бу аёл қарамонларимиз номларини ҳамиша ўз бағрида – авлодлар хотирасида сақлайди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Назир Тўрақулов – 1892 йили туғилган. Қўқондаги рус-тузем мактаби ва савдо билим юртини тугатган. 1918-1919 йилларда совет идораларининг турли лавозимларида ишлаган.

Кейинчалик СССРнинг Ҳижоз (ҳозирги Саудия Арабистони) давлатидаги Бош консули ва Мухтор элчиси бўлган (1928–1936). Москва ҳамда Ленинградда Шарқ халқлари институти илмий ходими ва проректори лавозимида хизмат қилган.

Бироқ туркий халқлар тарихи ва маданиятини яқши билган, дунё кўрган арбоб сифатида мавжуд тузумнинг камчиликларини англаб етган. У 1937 йил 15 июнда қамокка олиниб, отувга ҳукм қилинган.

Бобожон Шодиев – 1889 йили Шифиркон райони Хант қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган пайтда колхоз котиби бўлиб ишлаган.

ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан “миллатчи гуруҳ” иштирокчиси сифатида “доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борган”и учун 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

Мулла Зокир Юсупов – 1878 йили Андижонда туғилган. 1931 йил қулқоқ қилинган. “Шўро Исломи” ташкилотининг аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган.

Йиғинларда Ўзбекистонда “мусулмон-обод” давлатни ташкил этиш учун исённи, мағлубиятчилик кайфиятини тарғиб қилишда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 58-моддаси ва 66-моддаси 1-банди билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Шамсиддин Бадриддинов – 1897 йили Қозон губернияси Маминск райони Тунтар қишлоғида туғилган. 1913 йили андижонлик йирик бойлардан Аҳмадбек хожи Темирбеков қўлида махсуслот омирорида тикувчи, мудир ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1919 йили қизил гвардиячилар сафиде бўлиб, Жалолободда “қулқоқ”лар кўзғолонини бостиришда иштирок этган. Мусулмон отлиқ полки ҳарбий кўмондон даражасига кўтарилган.

Фаолияти давомида Андижон уездни милициясининг сиёсий бўлими раҳбари, область судининг аъзоси, округ судининг раиси ўринбосари, Фарғона округи прокурори, Ўзбекистон ССР Олий Суди прокурори ёрдамчиси, прокурори вазифаларида хизмат қилган.

“Миллий иттиҳод”га аъзо бўлгани, миллий-озодлик ҳаракати вакиллари кўрол-яроғ билан таъминлагани, ўз лавозимини суиистеъмол қилгани гумон қилиниб, 1932 йил май ойида ҳибсга олинган. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 63-моддасига биноан эълон қилинган отув жазоси кейинроқ 10 йилга Сибир ўлкасига сургун билан алмаштирилган.

Рашид Фозилов – 1902 йили туғилган. Мактабда ўқув бўлими мудирини вазифасида ишлаган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси.

“Совет ҳокимиятини ағдаришга йўналтирилган фаолият олиб борганликда, миллатчиликда, мустақил буржуа давлатини яратиш учун курашганликда” айбдор деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-банди билан 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган.

Азизбек МАҲҚАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).



Вилоят Хўжаева турмуш ўртоғи ва фарзанди билан.

олинган. Уларнинг 22 минг 427 нафари Халқ маорифи комиссарлиги тасаруфидеги болалар уйлари ва маҳаллий боғчаларга тарқатиб юборилган. 15 ёшдан юқорилари “ижтимоий хавфли” деб баҳолангани ҳолда қамокка олинган.

Қарағанда лагериде жазо муддатини ўташ даврида 1507 та туғуқ қайд этилган. Бу болаларнинг аксарияти зўравонлик оқибатида дунёга келган. Яна юзлаб аёллар бўлгани, улар “халқ душмани”га чиқарилган фарзанди, эри ва ёки отасининг “аксилинқилобий, миллатчилик фаолиятлари” ҳақида сиёсий идораларга ўз вақтида хабар бермагани учунгина қамокка олиниб, терговга тортилган. Уларнинг кўпчилиги хат-саводсиз бўлиб, маиший таъбишлар билан ўралашиб қолгани учун кўп гапдан бе-хабар эди. Бу ҳол терговчилар учун айни қўл келиб, улардан жигаргўшаларининг душманлик фаолиятини тасдиқловчи кўрсатмалар беришни талаб этишган. Бўйин эгмаган аёллар қийноқларга дучор этилган.

Шундай аёллардан бири **Ҳадича Алиева** “халқ душмани” Ғози Юнуснинг хотини бўлгани учунгина 1938 йил 5 апрелда 3 йил муддатга “АЛЖИР”га бадарга қилинган. У таниқли давлат арбоби Мўмин Усмоновнинг

ги лагерларда, 1941 йилдан эса Қарағанда лагериде қамок жазосини ўтаган.

Қатагон йилларида бундай аёллар тақдирини яқна-ёлғиз ҳолат эмас, балки оммавий фожиа эди. Шоир Ботунинг хотини **Валентина Васильева** 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Сибирга сургун қилинган, 1950 йилга келибгина озод этилган. Миллатчиликда айбланган ҳадид Восиқ Муҳаммедовнинг рафиқаси **Матлуба Муҳаммедова** эса 1938 йил 16 январда қамокка олиниб, жазо муддатини Сибирдаги “Усолийский” лагериде ўтаган.

Бошқа манзара Файзулла Хўжаев оиласига ҳам тааллуқли. Унинг яккаю ягона қизи **Вилоят Хўжаева** 16 ёшидаёқ ҳибсга олиниб, онаси **Малика Хўжаева** билан бирга Қозоғистонга сургун қилинган. Усть-Каменогорск шаҳридаги Иртиш ГЭСи қурилишида ишчи ва табелчи бўлиб ишлаган муштира она Малика Хўжаева 1953 йили сургунда қизи Вилоятнинг тиззасига бош қўйган ҳолда вафот этган. Бувиси Райхон Хўжаеванин эса 1938 йили Тошкент вилоятидаги қамқоналарнинг бирида жони узилган.

Йиллар ўтиб, бу оила тақдир тарихий хотира ва илмий изланишлар доирасида кенг тилга олина



“Инсон қалбиде миллат, Ватан, аждодлар руҳи олдидаги бурч ва тўйғулар қанчалик чуқур жой олган бўлса, маҳдудлик ўрнига миллий ғоялар вужудга келади.
Абдулла АВЛОНИЙ”



ЭХТИРОМ

МИЛЛАТНИ КИМ УЙЎГАТАДИ?

XX аср бошларида Туркистонда уйғониш шимоли эса бошланди. Жадидлар жуда яхши англари: миллатни уйғотиш учун, аввало, унинг онаси ва бўлажак оналари – хотин-қизларни уйғотиш керак эди.

Тарбия бешигини оналар тебратлади. Демак, илмли она – маърифатли авлод, маърифатли авлод эса овоз ва қудратли миллат, демак. Жадидлар аёлни фақат оила доирасидаги шахс эмас, балки жамиятни шакллантирувчи куч сифатида кўрди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини ошириш – давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Маҳмудхўжа Бехбудий нафис хилқат вакилларининг саводсизлиги миллатнинг келажакига таҳдид эканини англаб, қизлар мактабини очиб, уларни дунёвий фанлар билан таништириш ҳаракатларини бошлади. Жаҳолат занжирини узиш учун аёлнинг қалбига илм нури кириши шарт эди.

Илм – аёлнинг зийнати. Жадидлар аёлни фақат гўзаллик тимсоли сифатида эмас, балки тафаккур эгаси сифатида кўрдилар. Улар учун аёлнинг энг буюк зийнати – илм эди.

Абдурауф Фитрат ўз асарларида бу масалага алоҳида тўхталиб, жамият тарқиётини аёлларнинг ижтимоий фаоллиги билан боғлайди. Унинг қарашича, аёлнинг эркин фикрлаши – миллатнинг эркин фикрлашидир. Зеро, “аёл қарам бўлса, жамият ҳам қарам бўлади; агар аёл онгли бўлса, жамият ҳам онгли бўлади”. Бу қарашлар ўша давр учун жасорат эди. Чунки аёлни фақат уй-рўзгор билан чегаралаш, уни илм-маърифатдан четда қолдириш кенг тарқалганди.

Чўлпон шеър ва мақолаларида аёлларнинг руҳий озодлиги ҳақида куюниб ёзади. Унинг сатрларида аёл қалбининг изтироби, жамиятнинг унга қўйган сунъий тўсиқлари акс этади. Чўлпон учун аёл муҳаббат

тимсоли бўлиш билан бирга, ҳуррият рамзи ҳам эди.

Жадид адабиёти саҳифаларида аёл образи тобора ўзгариб бори: у энди сукутдаги сиймо эмас, балки фикр билдирувчи, ўз ҳақиқатини айта оладиган шахс сифатида гавдаланади. Бу – тафаккурнинг раванқ топиши эди.

Жадидлар орзу қилган аёл образи – мустақил фикрловчи, билимли, ижтимоий фаол ва маънавий етук шахс. Улар англаган ҳақиқат оддий, аммо теран эди: “Миллатни юксалтирмоқчи бўлсанг, аввало, аёлни юксалтир”. Илмли аёл – бу фақат диплом соҳибаси эмас. У – маърифат ташувчиси, руҳий уйғониш элчиси, келажак бунёдкоридир.

Жадидлар орзу қилган маърифатли аёл образи бугун янги тарихий босқичда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида хотин-қизлар масаласи ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу шунчаки байрамона эътироф эмас, балки тизимли ислохотлар, қонуний кафолатлар ва амалий қўллаб-қувватлаш механизмларидир.

Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур.

Абдулла АВЛОНИЙ

Сўнги йилларда хотин-қизларнинг олий таълим бўйича қамрови кенгайди, тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда, уларнинг раҳбарлик лавозимларидаги улуши ортиб бормоқда. Бу жараён жадидлар орзу қилган маърифатли ва фаол аёл сиймосининг замонавий талқинидир. Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъдодли хотин-қизлар давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида намуна бўлигани диққатга сазоворидир.

Бугун қизлар учун яратилаётган имкониятлар – грантлар, стипендиялар, илмий лойиҳалар, стартап дастурлари уларнинг салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Айниқса, чекка ҳудудлардаги хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Жадидлар қалам билан бошлаган ислохот бугун давлат сиёсати даражасида давом этмоқда.



Барно РАВШАНОВА,
ЎзДСМИ 3-босқич талабаси

Бугунги ўзбек аёли – шифокор, оlima, муҳандис, тадбиркор, депутат, спортчи. У бир вақтнинг ўзида меҳрибон она, садоқатли фарзанд ва фаол фуқаро. Шундай экан, жадидларнинг “илмли аёл – миллат нажоти” деган ғояси бугун янги мазмун касб этмоқда. Бугунги илмли ва фаол аёл – Янги Ўзбекистон бунёдкоридир.

Тарих шунки кўрсатадики, аёлни қадрлаган жамият юксалган. Аёлни чеклаган жамият эса таназзулга юз тутган. Демак, бугунги эътибор – бу келажакка қаратилган сармоя. Жадидлар орзу қилган маърифатли аёл образи бугун ҳаётга яқинлашмоқда. Эндиги вазифа яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аёлнинг илмий, маънавий ва ижтимоий салоҳиятини тўлиқ намоён этишдир. Матонат, бахт ва билим – аёл шахсиятининг учта асосий устундир.

Бир эркакни ўқитсангиз, бир шахсни ўқитган бўласиз. Бир аёлни ўқитсангиз, бутун бир миллатни ўқитган бўласиз.

Жеймс ЭГГРИ

Аёл бахти – жамиятнинг барометри. Бу фикр шунчаки чиройли гап эмас, балки ижтимоий-психологик ҳақиқатдир. Аёл хонадоннинг “энергетик маркази”. Бахтли аёл ўзидан илмий энергия таратади. У бахтли бўлса, фарзандлари меҳрда ўсади, турмуш ўртоғи хотиржамликда юради. Агар жамиятда аёллар ўзини ҳимояланган ва қадрланган ҳис қилса, ўша жамиятда соғлом авлод шаклланади. Аёлнинг табассуми – унинг фойдаси, миллатнинг осойишталиги.

Бу иқтибос аёлнинг жамиятдаги энг муҳим роли – тарбиячи эканига урғу беради. Эркак киши олган билим кўпинча унинг шахсий карьераси ва муваффақиятига хизмат қилади. Аммо илмли аёл – бу илмли она, демак. Боланинг дунёқарашини, тили ва ахлоқи биринчи навбатда онанинг интеллектуал даражасига боғлиқ. Бинобарин, аёлга берилган таълим занжир реакцияси каби бутун авлодларга ўтади. Илмли аёл – маърифатли жамиятнинг пойдевори ҳисобланади. Ушбу учта жиҳат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, билимий аёл ҳаётий вазиятларда кўпроқ матонат кўрсата олади, ва ўз навбатида, ўзи ҳамда яқинларининг бахтини қандай қилишни яхши англайди.

ТИЛ ОГРИГИ



“Йиллар кесимида” нима дегани?

Бугун озаки нутқимиздан тортиб расмий давлат ҳужжатлари, қонунларимиз матнигача ўрнашиб қолаётган ғалати сўз ва ибораларимиз бисёр. Масалан, “йиллар кесимида” деган жумлага деярли ҳар бир дастур ва режа, статистик маълумот ва илмий-таҳлилий мақолаларда дуч келиш мумкин. “Йиллар кесимида олиб қараганимизда”, “сарф-харажатлар йиллар кесимида” ва ҳоказо.

Менимча, бунинг ўрнига “йиллар давомида”, “муайян йил бўйича” каби ибораларни қўллаган маъқул. Чунки “кесим” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кўра, кесилган бўлак, бирор жисми текислик билан кесиш натижасида ҳосил бўладиган юза каби маъноларни ифодалайди. Шунингдек, тил илмида гапнинг бош бўлақларидан бири кесим деб аталишини яхши биласиз. Хўш, шуларнинг бирортаси йил сўзи билан мантқан боғланамиз? Боғланса, бош устига, боғланмаса, бундай иборадан воз кечган маъқул.

“Тегишинча” кимга тегишли?

“Тегишинча” айнан “тегишли” деган маънони билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мавжуд, аммо “кам қўлланар” экан. “Тегишли”ни етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билади, “тегишинча”ни қонун ижодкорларидан бошқа нечта одам тушунади? Масалан мен, ўзимни ўзбек тилининг билимдониман, деб кўкрак кериб юрган одам, бу сўз маъносини луғатни варақламай туриб англаёлмадим.

“Нобанк”

Бу иқтисодчи ва молиячиларимиз кашфиёти. Масалан, кредитни банкдан эмас, бошқа жойдан олсангиз, нобанк кредит бўлар экан. “Нобанк”ни биламиз, “номоддий”ни эшитганмиз, ана энди “нобанк” ҳам чиқибди. Ўзи маза-бемаза гаплардан қулоқ-миямиз ғовлаб кетаяпти. Яна битта ясама сўзга эҳтиёж борми?

Устоз муҳаррирларимиздан бири расмий ҳужжатда ушбу сўзни “банкдан ташқари” деб ўзгартириб қўйганини кўрдим. Мавзуга мос тушди. Матнга қараб унинг яна бошқа муқобил ифодаларини топиш мумкин, деб ўйлайман. Масалан, қаердан олинган бўлса, ўша жойнинг номини аниқ айтиб, “Фалон жойдан олинган кредит” дейилса ҳам, биров эътироз билдирмаса керак.

Қоғоздаги “лойиҳа”

Кейинги пайтларда “лойиҳа” сўзи ҳам жуда фаол. Уринли қўлланган ҳолатлар ҳам бор. Лекин бу сўз кўпинча ўринсиз, нотўғри ишлатилаётгандек тулолмоқда. Масалан, бир кўрсатув ёки эшиттириш тайёрланиб, эфирга узатилса ҳам, уни “Фалончи Фалончиевнинг лойиҳаси” деб оғиз тўлдириб эълон қилишяпти (бу ҳолатни асосан хусу-

сий каналларда кузатиш мумкин). Ёки бирорта тақдирот маросимига борсангиз ҳам, “лойиҳа”ларни томоша қилиб қайтасиз. “Бу – Фалончиев Фалончиевнинг креатив лойиҳаси” дейишади. Диққат билан қарасангиз, унинг лойиҳа эмас, чинакам ижодий иш ёки маҳсулот эканини кўрасиз.

Савол туғилди: хўп, намойиш этган нарсангиз ҳали чизма ҳолатида, пишиб етилмаган, хом, яъни шунчаки қоғоздаги лойиҳа даражасида экан, уни оммага тақдим этишдан мақсад нима? Ёки аксинча, ижодий (илмий) ишингиз, асарингиз тайёр маҳсулот (асар, ижодий иш) даражасига етган экан, уни нега камситиб, ҳалиям лойиҳа деб омма эътиборига ҳавола қиласиз?

Лойиҳа (ҳали чала, пишиб етилмаган, чизма ҳолатидаги иш) билан тайёр ижод маҳсули (асар)нинг фарқи бориш учун академик бўлиш шарт эмас. Шу пайтгача бу сўзнинг маъноси борасида бирор ихтилоф чиқмаган эди. Биз - кейинги авлод вакиллари ўзимизча чиройли гапирамиз, деб қулгига қоляпмиз, холос.

Келинг, араб тилидан ўзлашиб, аллақачон ўзимизникига айланиб кетган “лойиҳа” сўзининг маъносига эътибор қаратайлик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай ёзилган:

ЛОЙИҲА (арабча. – рўйхат; низоми, қоида; режа, дастур) – 1. Бино, иншоот, машина ва шу кабиларни қуриш ёки тиклаш учун ишланган, тайёрланган ҳужжатлар (чизма, ҳисоб-китоб, андоза, нусха ва шу кабилар) мажмуи. 2. Қарор, фармон, қонун ва шу каби ҳужжатларнинг дастлабки хомаки матни.

Ҳурматли “лойиҳа”чилар! Демак, битган ишни ҳеч уялмасдан, тортиниб-қимтиниб ўтирмасдан, бемалол ўз номи билан атайверган маъқул. Камтарлик қилиб, аникроғи, камситиб, тайёр ишни “лойиҳам” деб ўтириш тўғри эмас.

Кейс, лайфхак, стартап, нарратив, креатив...

Эскича – араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувидан туппа-тузук саводи бор раҳматли Тўқсори бобомиз ўтган асрнинг 40-йилларида “саводсизликни тугатиш курслари”га мажбуран қатнай бошлабди. Бу пайтда ёши анчага бориб қолгани учун янги ҳарфларни ўзлаштиришга кўп қийналибди. Охири жонига тегиб, “Э, А билан Т, эганди же! Советингям, унинг ёзувиюғам...” деган экан. Мен бугун “кейс, лайфхак, стартап, нарратив, креатив, амбиция, новорот, поворот, разворот, бало-баттар” деган сўзларни эшитсам, Тўқсори бобомнинг гапини эсламан.


Бунчалар таъсирчан, бунчалар мутаассиб бўлмасак? Ҳаммани қадрлаймиз – фақат ўзимизни, ўз тилимизни эмас.

Қаддимизни кўтарайлик, ахир тилимиз БМТ минбаридан янграй бошлаганига ўн йил бўляпти, дўстлар. Дунёда салкам 60 миллион одам бизнинг тилимизда гаплашмоқда. Биз бўлсак, ҳалиям “новорот, поворот, разворот” қилиб юрибмиз.

**Элмурод НИШОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ТИЛБИЛИМ

Муштипарнинг нега мушти пар?



Муштипар сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай изоҳ берилган: Қўлидан бирор иш келмайдиган, ожиз, бечора (аёллар ҳақида). Бошқа луғатларда ҳам изоҳлар шу маънода келади ва дард устига чипқондай нотавон деган хунук сифатни ҳам қўшиб қўйишади. Эҳтимол, бу сўз пайдо бўлган илк даврларда шу маънони англагандир. Лекин кейин маъно ўзгарган.

Мен болалигимдан бу сўзни кўп эшитганман, лекин уни қўлидан иш келмайдиган ожиз, бечора маъносига тушунмаган-

ман. Эл тилида бу сўз меҳрибон, куйинчак, жонкуяр, дуоғий маъноларида келишини англаганман. Акалар сингилларини муштипарим дейишган. Оналар ўғилларига “муштипарингдан бохабар бўл” деб қизларини омонат қилишган.

Йўқ, бу сўзни “бечора”, “нотавон” маъносига қабул қилиш қийин. Муштипар сўзида шеърый руҳ бор. Мушти пар деганда опа ё сингилнинг ҳатто мушти ҳам пардай юмшоқ, сени урса ҳам, уришса ҳам ботмайди, аксинча ёқимли дегандай маънони илғаш мумкин.

Эшқобил ШУКУР

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Адади - 18 501
Шундан:
Кирилл ёзувида - 6 708
Лотин ёзувида - 11 793
Медиа кузатувчилар - 81 234
Буюртма: Г - 339
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ